

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик институти

ДИЛШОД АЛИЕВ
МАҲБУБА ТОЖИБОЕВА

АРАБ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР

طُرُقُ التَّدْرِيسِ الْجَدِيدَةِ
فِي اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ

ТОШКЕНТ – 2009 й.

Мазкур укув услубий қўлланма таълим-тарбия тизимидаги ҳозирги энг долзарб ҳисобланган – ўқувчиларга фан асосларини ўргатишда янги технология имкониятларидан фойдаланиш мавзусига бағишланган. Китоб муаллифлари ўзларининг кўп йиллик орттирган педагогик тажрибалари асосида ҳамда янги технологик усул ва услубларни ўрганиб, ҳозиргача ҳеч ким қўл урмаган “Араб тили дарсларида ноанъанавий усуллар” мавзусини ёритишга жазм этдилар. Китобда назарий қоидалар амалий машғулотлар билан берилган. Бу ерда ўқитишнинг янги ва қизиқарли усулларида бири – ўйин дарсларига алоҳида ўрин ажратилган. Умумтаълим мактаблари ва институтларда ўқитилаётган араб тили дarsi жараёнида янги технологик услублардан фойдаланиш бўйича методик қўлланмалар бўлмаганлиги сабабли биров қийинчиликлар тугилмоқда. Мазкур қўлланманинг яратилиши ана шу масалаларни биров бўлса-да ҳал этиш йўлида қўйилган илк қадамдир. Бу қўлланмага мактабларда ва институтларда араб тилидан дарс бераётган ўқитувчилар, шунингдек, ўқувчи ва талабаларда эҳтиёж борлиги учун мазкур қўлланма уларга мўлжаллаб нашр этилди.

Муаллифлар:

Дилшод АЛИЕВ,

ТошДШИ Араб филологияси кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Махбуба ТОЖИБОЕВА, Кўқон Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси араб тили ўқитувчиси

Такризчилар:

Эминжон ТАЛАБОВ,

Тошкент Ислom университети Шарқ тиллари кафедраси профессори, ф.ф.д.

Саида МАҲКАМОВА,

ТошДШИ Педагогика ва тиллар кафедраси ўқитувчиси, п.ф.н., доцент.

Носирхўжа ОРИФХЎЖАЕВ,

ТошДШИ араб филологияси кафедраси мудири вазифасини бажарувчи, катта ўқитувчи

Техник муҳаррир:

Ёрқин ШУКУРОВ,

ТошДШИ қошидаги академик лицей араб тили ўқитувчиси

Шарофиддин ИБРОҲИМОВ,

ТошДШИ магистранти

Тошкент давлат шарқшунослик институти Ўқув-услубий кенгашининг қарори (2009 йил 19-февраль 3-сонли баённомаси) билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мустақиллик туфайли ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Бундай ўзгаришларни айниқса, таълим-тарбия соҳасида сезиш мумкин.

Мактабда ўқувчиларга, олий ўқув юртларида талабаларга мукамал билим бериш имконияти кенгаймоқда. Гап бу ерда мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва институтларни фаннинг энг замонавий ютуқлари бўлмиш компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланаётганлиги ҳақида кетяпти. Компьютер техникасининг дарсга кириб келиши таълим-тарбия самарадорлигида катта сифатли бурилиш ясади, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Ҳозир информатика усуллари ва воситалари инсоннинг бутун фикрлаш тизимига, амалий ҳаёт тарзига катта таъсир кўрсатмоқда.

Ҳақиқатан, компьютер техникаси имкониятларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг билим даражасини оширишга ва унинг сифат даражасининг кўтарилишига олиб келади. Компьютернинг имкониятлари бошқа воситалар қатори янги педагогик технология талабларига мос дарс ўтишга шароит яратади.

Билимларга қатъий-мантиқий “ишлов бериш” учун уларни шакллантириш усуллари фанга жорий этилиши натижасида, тадқиқ қилинаётган объектларни дисплей экранда чизмалар, графиклар, жадваллар шаклида акс эттириш имкониятлари пайдо бўлди.

Янги педтехнологиянинг ҳаётимизга кириб келишининг ишончли асослари бор. Аввалги анъанавий дарс ўтиш услублари ёмонмиди?-деган бир савол туғилади. Ҳар бир замоннинг ўзига хос ва мос, ўша замон талабларига жавоб бера оладиган қонун-қоидалари мавжуд. Таълим-тарбияда ҳам шундай. XX асрнинг бошларида 20 нафар жадидчилар томонидан яратилган халқ педагогикаси кейинги педагогика фани учун асос бўлди. Узоқ йиллар халқ учун хизмат қилди. Мустақиллик туфайли бутун ижтимоий ҳаётимизда, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасида ҳам туб ижобий ўзгаришлар рўй берди. “Таълим тўғрисидаги Қонун”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” каби ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳукуматимизнинг халқ таълимига алоҳида эътибор бераётганлигини тасдиқловчи дастуруламал бўлади. Шу асосда ўқиш-ўқитиш системасини тубдан ўзгартириш эҳтиёжи туғилди. Дарсни янги технологик асосда ўтиш ана шу мақсадга эришиш йўли деб танлаб олинди.

Анъанавий дарс ўтиш усуллари ҳам ўз даврида ўзининг тарихий вазифасини бажарди. Анъанавий усуллардан фойдаланиш пайтида телевидения, компьютер, интернет каби техник воситалар йўқ ёки кам эди. Бор бўлса-да, улардан дарс жараёнида фойдаланиш услублари ишлаб чиқилмаган эди. Шу боисдан, XX асрда таълим олган ўқувчилар онгига радио, телевидения, компьютер, интернет каби техник воситаларнинг таъсири бўлмаган. Ҳозирга келиб юқоридаги техник воситаларининг ёшларимиз онгига беихтиёр таъсири сезилаяпти. Бундай шароитда мактабда

дарс бераётган ўқитувчи ҳам, олий даргоҳларда таълим бераётган муаллимлар ҳам ўзларининг дарс бериш воситаларини янгилашларига, усулларини эса замонавий усулларга алмаштиришларига тўғри келаяпти. Ҳозирги ўқитувчи зиммасига аввалги ўқитувчилар авлоди меҳнатига қараганда кўпроқ масъулият юкланаяпти. Кўпроқ ҳаракат қилишга тўғри келаяпти. Сабаб, ҳозирги замон ёшлари онгига таъсир қилаётган объектлар уларнинг эътиборини кўпроқ ўзига жалб қилаяпти. Бу эса ҳар бир ўқитувчига ўз устида кўпроқ ишлашга, изланишга, янгиликка интилишга ва ниҳоят қизиқарли дарс ўтишларига ундаяптики, уларнинг дарслари ташқаридан келаятган, баъзан ёшларни чалғитадиган таассуротларга қараганда кўпроқ жалб қила оладиган бўлиши керак. Шунинг учун янги педтехнологиянинг таълим-тарбия жараёнига кириб келиши – бу ҳаёт тақозоси, ҳаётий эҳтиёждир. Бу ҳақиқатни тўғри тушунган ҳар бир ўқитувчи иложи борича, янги технология имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда дарс ўтиши ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражада бўлиши лозимдир.

“Ҳозирги вақтда, - таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - энг муҳим, энг долзарб вазифаларимиз – жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаятган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбига миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир”.¹

Бу муҳим вазифалар биринчи навбатда ёшлар тарбиясига масъул ҳисобланган ўқитувчиларга қаратилган. Бу тавсиялар айниқса, “Ёшлар йили”да ўзгача мазмун, маъно ва масъулият касб этади.

Юқорида таъкидланган вазифалар бажарилса, ҳар томонлама камол топган, ўзида юксак ахлоқий фазилатларни мужассамлаштирган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, мустақиллик принциплари ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбияланган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли танлаб, пухта ўзлаштирган, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга, турмушга мослашган, соғлом турмуш тарзи ва меҳнат кўникмалари шаклланган жамият, давлат ва оила олдидаги ўз бурчини ҳис этадиган, ижодий, эркин ва мустақил фикрлайдиган баркамол ёшларни тарбиялашдек давлат сиёсати даражасидаги вазифани – бурчимизни бажарган бўламиз. Юқоридаги муҳим вазифалар барча педагог ходимлар, шу жумладан араб тили ўқитувчилари олдида турган энг долзарб вазифадир.

Биз бу рисолани мактаб ва институтларда араб тилидан дарс бераётган ўқитувчиларга ёрдам сифатида янги технологик усул ва услубларга мос дарс ишланмалари, жадваллар, чизмалар, дидактик тарқатма материаллар асосида тайёрладик. Улардан фойдаланиш учун кўрсатма ва йўлланмаларни ҳам баён этдик.

Бунда биз ўқув ўйинларига алоҳида эътибор қаратдик. Чунки, ўйинлар ҳар қандай дарс, машғулот тушунарли чиқишига, қизиқарли бўлишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Ҳар қандай ўқув ўйинининг таълим ва тарбияни мақсадли амалга оширишда имконияти чексиз.

¹ И.А.Каримов. Хушёрликка даъват. Т. Ўзбекистон, 1999, 16-бет.

Рухшуносларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиши, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиши, ўз-ўзини бошқариши, ўз имкониятларини амалга оширишининг фундаментал эҳтиёжларига таянади. Биз бу китобда ўқув ўйинларининг баъзи имкониятларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Янги технологик усулларни қўллаш бўйича тавсиялар

Ҳозирги пайтда янги педагогик технологиянинг мақсади, мазмуни ва вазибалари ҳақида кўп олимлар изланишлар олиб бормоқдалар. Чунки у прогрессив ғоянинг тарафдорлари унинг моҳиятга катта баҳо бераптилар ва унга барча ўқув муассасаларида талаб ва эҳтиёж борлиги ҳақиқат. Нафақат Европа ва АҚШда, балки республикаимиз олимлари ҳам менталитетимиз руҳига мос технологик услублар ишлаб чиқаряптиларки, уларнинг бу соҳадаги ютуқларини чет эллик олимлар ҳам тан олаяптилар. Қуйида рус педагог олимларининг педагогик технология ҳақидаги фикрларини келтирамиз:

- Педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади.
- “Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси” (Б.П.Безпалько).
- “Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи” (И.П.Волков).
- “Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси” (В.М.Шепель).
- “Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методолик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради” (М.В.Кларин).
- “Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади” (Г.К.Селевко)

В.М.Монаховнинг таърифича, педагогик технология – талаба ва ўқувчиларнинг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш бўйича педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир. Бу сатрлар муаллифи ҳақ. Яратилган ва яратилаётган янги педагогик усул-услублар имкониятларидан унумли фойдаланиб ҳар бир ўқитувчи дарс беришни ҳамда, талабаларга билим беришни ўзи лойиҳалаштириши, ташкил этиши лозим. Замонавий педагогик технология қотиб қолган, ўзгармас ғоя эмас, у доим ривожланишда, янгиланишда ва бойиб боради. Ўқитувчилар учун ҳозирги фан техника даври ўз устида ишлаш, изланиш, ўз малакасини ошириб бориш борасида катта имкониятлар яратиб берапти. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиб дарс беришнинг янги самарали йўллари излаб топиш – давр талабидир.

Ҳозир эслаганимиздек, янги педагогик технологиянинг ривожланиши, унинг бойиб бориши ҳар бир ўқитувчи шахсий интилишига боғлиқ. Агар ўқитувчи педагогик тажрибасига таянган ҳолда изланса, янгича усул ва услублар топса, унинг замонавий технологик методларга қўшган ҳиссаси бўлади.

Биз фақат истеъмолчи ўқитувчи бўлиб қолмасдан балки бошқаларни ҳам педагогик изланишимиз натижаси бўлмиш – янги усул ва услублар билан таъминлаб туришимиз лозим. Бунинг учун XX асрнинг 60 – йилларида Ғарбий Европа ва АҚШ олимлари томонидан яратилган янги педтехнология мазмуни ва мақсадини обдон тушуниб олишимиз, уларнинг моҳиятига эътибор бериб ўрганишимиз керак бўлади. Ким бу соҳада кўп ўқиб ўрганса, унда янги усуллар яратишга имконият туғилади, ўқитишнинг янги қирраларини очиб беришга илҳом бағишлайди.

Аслини олганда, янги педтехнология – бу ўқишга ўзига хос бўлган янгича (инновация) ёндошувдир. Педтехнологияни яхши ўзлаштирган педагоглар учун бу усулнинг анъанавий усулга кўра самарали эканлиги маълум. Шундай экан, педагоглар учун кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда педтехнологияни ўзлаштириш ва уни амалда қўллаш зарурлигини билдиради. Тарбия жараёнининг технологик муаммоларини ечишда ҳар бир тарбиячи ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлини ўташи, вақти-вақти билан долзарб босқичлар орасида фаолиятини назорат қилиб, кузатишлар киритиб бориши зарур. Долзарб нуқталар орасида ҳар бир педагог муайян шароитда, бор имкониятлардан фойдаланиб, ижодий фаолият олиб бориши талаб этилади.

Янги педтехнология имкониятларидан унумли фойдаланиш биринчидан, ўқитувчига катта масъулият юкласа, иккинчидан, дарс мавзуини тушунтиришда ўқитувчига кўп қулайликлар яратади. Ўқитувчи янги педтехнологиянинг мазмуни, моҳияти ва унинг мақсадини яхши тушуна билиши ва унинг усулларини дарс жараёнига олиб кириши ҳамда уни мавзуларни тушунтиришда қўллай билиши ва тадбиқ қилиши муҳимдир.

Биз қуйида араб тили дарсларида янги педтехнология воситаларидан фойдаланиш усулларидан намуналар берамиз.

Янги педтехнология усулларини араб тили дарслари жараёнида қўллаш ўзига хос хусусиятларига эга. Бу нарсa араб тилининг фонетик, морфологик ва синтактик ўзига хослигидан келиб чиқади. Шунинг учун араб тили дарсларида янги педтехнология усулларини татбиқ этиш учун яратилган чизма, жадваллар, тарқатма дидактик материаллар ўзининг қўлланилишига кўра бошқа тиллардан фарқ қилади. Масалан, араб тилида иккита жинснинг мавжудлиги, келишиклар сонининг фақат учталиги, иккилик сонининг мавжудлиги, бирликдаги сўзларни кўпликка айлантиришда сўзнинг жонли (шахс) ёки жонсиз (нарсa-предмет) бўлишлигини алоҳида эътиборга олиш зарурлиги кўргазмали қуроллар яратишда қийинчиликлар туғдиради.

Биз яратган қуйидаги чизма, жадваллар ва дидактик материаллар турлича бўлиб, уларни ўқувчиларга беришдан аввал китобдаги мазкур материалнинг кўчирма нусхаси (ксерокопияси) олиниб кейин ўқувчиларга тарқатилади. Баъзи жадвалларни катта қоғозга йирик ҳарфлар билан ёзиб, ундан доим фойдаланса бўлади. Кўргазмали қуроллар намуна сифатида 4-5 сўз билан бошлаб қўйилган. Унинг давомини ўқитувчиларнинг ўзлари тўлдириб, сўнгра уни ўқувчиларга тарқатадилар. Баъзи жадвалларда янги сўзлар кўп берилган. Улардан фойдаланишдан аввал ўқитувчи ундаги номаълум сўзларни ўқувчиларга ёд олдириши лозим. Бунда китобнинг охирига илова

килинган арабча-ўзбекча луғатдан фойдаланиш лозим. Масалан, “Синоним, антоним сўзларни топинг”, машина, электр асбоблари, мутахассисликлар, ҳайвонлар, уй жиҳозлари, қушлар ҳақидаги жадваллардан фойдаланишда ана шу услубни қўллаш керак. Ёки “Араб мамлакатларининг давлат раҳбарлари, пойтахтлари, пул бирлиги” ҳақидаги кўргазмани дарс жараёнида қўллашдан аввал ўқувчиларга 22 та араб мамлакатлари географик ўрни, пойтахти, давлат тузуми, давлат раҳбарлари, пул бирлиги каби маълумотлар ўқувчиларга етказилган бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи фойдаланаётган воситалар наф беради. Ўқитувчиларнинг янги технологик усул-услугалардан тўғри фойдаланиб дарс ўтишлари осон бўлиши учун, биз баъзи мавзуларнинг “Технологик карта”сини тавсия этдик. Унда дарс жараёнининг барча этаплари баён этилган. Ҳар бир ўқитувчи дарс ўтишдан олдин ўтмоқчи бўлган мавзусининг “Технологик карта”сини тайёрлаши лозим ва уни мактаб илмий ишлар бўлим мудирига кўрсатиб тасдиқлатиб олиши керак. Агар дарс “очиқ” деб эълон қилинган бўлса¹, “Технологик карта” ҳар бир дарсга кузатиш учун кирган ўқитувчиларга тарқатиб берилади. Мазкур технологик картада дарснинг этаплари берилган. Ундаги “Мақсад, вазифалар” қисмига ўқитувчи мавзунинг ўтишдан мақсади, бу мавзунинг ўтишда ўқувчига нимани тақдим этажанини, уни ўзбек тили билан қиёслаб ўрганиш ҳақидаги фикрни баён этади. “Ўқув жараёнининг мазмуни” хонасига янги мавзунинг асосий

¹ Замонавий технологик услубларни дарсга татбиқ этиш жараёни бошланиши билан энди мазкур янги усуллардан дарсда фойдаланиш борасида “очиқ дарслар” ўтказиш одат тусига кириб бораёпти. Шунинг учун биз куйида ана шундай дарсларга тайёргарлик кўриш, унинг вазифаси ва ундан кўзланган мақсад ҳақидаги мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Аслини айтганда, очиқ дарс ҳам оддий-ҳар сафаргидек дарс. Лекин у кундалик дарслардан баъзи томонлари билан фарқ қилади. Очиқ дарсда мазкур соҳанинг у ёки бу йўналиши бўйича янги усул ва услубларни дарсга татбиқ этишни намойиш қилишга бағишланади. Бу билан биринчидан, ўқитувчи замонавий методикадан қай даражада маълумотга эга эканлигини кўрсатади. Иккинчидан, унинг очиқ дарсига кузатиш учун кирган ўқитувчилар учун ҳам фойдадан ҳоли эмас. Айниқса, ёш ўқитувчилар бундай дарслардан анча методик малакага эга бўлиб чиқади. Учинчидан, дарс ўтказилган синф ёки курс ўқувчи-талабалари янги-прогрессив методика бўйича билим олиб фойда кўради. Мазкур очиқ дарсга алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Чунки бу дарсни бошқа ўқитувчилар атайин кузатгани киради. Улар яхши ният билан бу дарсдан бирор методик янгилик, наф олгани киради. Дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида куйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1. дарс этапларини тўғри тақсимлаш;
2. ҳар бир дарс этапларини нимага бағишлаши аниқ билиш керак;
3. ўтилган мавзунинг сўраш учун кўргазмани воситаларнинг тайёрлиги (тарқатма-дидактик материаллар, янги педтехнологик усуллар, технологик ўйинлар);
4. ўқувчи-талабалар фаолиятини активлаштириш учун воситаларнинг ҳозирлиги;
5. ўқитишнинг техник воситаларининг тахтлиги;
6. ўтилган мавзунинг янги мавзу билан узвий боғлиқлигини кўрсатиш;
7. доскадан унумли фойдаланиш;
8. уй вазифасини беришда талабаларнинг мустақил таълимини кўзда тутиш ва унинг ижобий бажарилишига эътибор бериш;
9. дарснинг охирида ўқувчи-талабалар жавобларини шарҳлаб баҳолаш, уларни рағбатлантириш

Очиқ дарс кузатувчилар нималарни кўришни хоҳлайдилар?

- ўқувчи - талабаларда ўқув-предмети бўйича билим, кўникма – малакалар қай даражада шаклланиган ва уларни амалдаги вазифаларни ечишга қўллай олишлари;
- ўқувчи – талабаларнинг мустақил фаолиятлари;
- турли хил метод ва шаклларнинг қўлланиши (метод ва шаклларни мақсадга мувофиқ танланганлиги);
- дарс жараёнида ўқувчи – талабалар фаолиятини ўзгариб туриши, хилма – хиллиги;
- дарс жараёнидаги ишларнинг жадаллиги;
- предметлараро боғлиқлик;
- ўқитувчининг аудиториядаги муҳитни ва вазиятни бошқара олиши

қоидалари мисоллар билан берилади. “Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси” қисмида мавзуни тушунтиришда ўқитувчи қайси замонавий педтехнология услубларидан фойдаланиши ва уни дарс жараёнига татбиқ этиш йўллари баён этилади. “Кутиладиган натижалар” қисмида шу мавзуни ўтишдан талабалар нима оладилар, қандай наф кўрадилар, яъни дарсни мустаҳкамлаш этапида мазкур янги мавзу юзасидан берилган саволларга тингловчилардан жавоблар кутади. Ва ниҳоят, “Келгуси режалар” хонасига ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтилган мавзуни таҳлил қилишларига, мавзу ҳақидаги уларнинг шахсий мушоҳадалари ва хулосалари ҳақида фикрларни ёзиб қўяди.

ТЕХНОЛОГИК КАРТА

Мавзу:	“Сўз туркумлари”
Мақсад, вазифалар	Араб тилида “Сўз туркумлари”ни билиб олиш. Сўзлар асосан нечта туркумга бўлинишини ва уларнинг араб тилидаги номларини билиш. Исм ва феъл туркумидаги сўзларнинг грамматик категорияларини билиш. Ўзбек тилидаги сўз туркумлари билан қиёслаш.
Ўқув жараёнининг мазмуни	Араб тилида сўзлар учга бўлинади. Феълнинг барча замонлари ва майллари, нисбатлари бўлишли ва бўлишсиз шакллари – “Феъл” туркумига киради; аниқлик артикли, предлоглар, юкламалар, ёрдамчи сўзлар – “Ҳарф” туркумига; қолган сўзлар – “Исм” туркумига киради.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: “Чархпалак” ва “Лойиҳа” технологияси.
	Шакли: Лекция, суҳбат, мустақил иш: Яқка ҳолда ва гуруҳда.
	Восита: Тарқатма материаллар, доска, маркер, мултимедия...
	Усул: Актив ва интерактив.
	Назорат: Самарадорлигини назорат қилиш ва ўз – ўзини назорат қилиш.
	Баҳолаш: 5 – баллик рейтинг.
Кутиладиган натижалар	Талабалар мавзуни тушуниб сўз туркумларини ажрата олишларига эришиш, кейинги мавзуларга мустаҳкам асос бўлиши, шу фанга бўлган қизиқишларини сўндирмасдан, уни янада оширишга ҳаракат қилиш.
Келгуси режалар (Таҳлил, ўзгаришлар)	Келгусида шу мавзуни янада ёритиб категорияларга тўхталиб, уларни тушунтиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш.

Араб тилида “Исмий жумла” мавзусини ўтиш технологик картаси қуйидагича:

Мавзу:	“Исмий жумла”
Мақсад ва вазифалар	Уларни оғзаки ва ёзма ишлата олиш. Араб тилидаги исмий жумланинг ўзбек тилидаги от-кесимли гапга ўхшашлиги ва

	тафовутларини тушунтириш. Исмий жумланинг турлари, эга ва кесим қоидалари ҳақида маълумот бериш.
Ўқув жараёнининг мазмунни	Араб тили дарслигидан янги сўзларни ёдлаш, текстни ўқиш ва таржима қилиш, саволларга жавоб бериш. Араб тилидаги газетадан мақола таржима қилиш. Янги мавзунини ўзлаштирилишига эътибор бериш.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: “Чархпалак” ва “Лойиҳа” технологияси
	Шакли: Лекция, суҳбат, мустақил иш. Яқка ҳолда ва гуруҳда.
	Восита: Тарқатма материаллар, доска, маркер, кўргазма воситалари...
	Усул: актив ва интерактив
	Назорат: Самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш
	Баҳолаш: 5 баллиқ рейтинг.
Кутиладиган натижалар	Талабаларда оғзаки нутқни ўстириш кўникмаларини ҳосил қилиш, ўқиш ва таржима қилиш маҳоратини ошириш. Янги мавзунини кейинги дарсда тушунтира олиш.
Келгуси режалар (таҳлил ва ўзгаришлар)	Ўтилган текст ва мақолаларни гапириб бериш, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш ва тўғри ишлата олиш.

Ўқув ўйинлари – таълимнинг янги методи

Болалар ёшлигидан турли ўйинлар билан шуғулланиб келадилар. Ўйин – болаларнинг ҳаётий эҳтиёжига айланган соҳа десак хато қилмаган бўламиз, чунки ўйиннинг бола тарбиясидаги ўрни, унинг тарбиявий аҳамияти катта. Ўйин ёш танламайди, дейилади. Ҳақиқатан ҳам, қайси ёшдаги кишига бирор ўйин таклиф этилса, имкони борида унга қатнашиш хоҳишини билдиради. Ўйин – фақат ўйиннинг ўзгинаси эмас. Ўйин таълим – тарбияда жуда бой имкониятларга эга восита ҳамдир.

Ўйинни янги педагогик технологиянинг энг самарали усулларида бири сифатида тан олиниши ҳам унинг муҳим усул эканлигидан далолат беради. Ҳозирда ўйинли технологиялар ҳақида кўп маълумотлар бор. Кўплаб олимларнинг бу соҳадаги асарлари чоп этилган. Бу китобларда ўйинли технология имкониятларидан таълим–тарбия соҳасида кенг фойдаланишнинг методикаси ишлаб чиқилган. Айниқса, фанларни мактабда ва олий ўқув юртларида ўқувчи – талабаларга тушунтиришда унинг чексиз имкониятлари борлиги таъкидланаяпти.

Ўйинли технологиядан фойдаланишнинг асосини талабаларни фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолият ташкил этади.

Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра, меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор

қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахс ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Д.Н. Узнадзенинг таърифича, ўйин шахсга хос бўлган ички имманент психик (рухий) хулқи шаклидир.

Л.С. Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буюртмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди.

А.Н. Леонтьев ўйинга шахснинг ҳаёлотигадаги амалга ошириб бўлмайдиган қизиқишлари (манфаатлари)ни ҳаёлан амалга оширишдаги эркинлиги сифатида қарайди.

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади. Улар қуйидагилар:

- мафтункорлик;
- коммуникативлик;
- ўз имкониятларини амалга ошириш;
- даволовчилик;
- ташхис;
- миллатлараро мулоқот;
- ижтимоийлашув;

Тадқиқотчилар назарий аспектда ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қарайдилар.

Ўйин фаолият сифатида мақсадни белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишни қамраб олади ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тўла амалга оширади.

Ўйинли фаолиятни мотивациялаш ўйин характерининг мусобақалашуш шартлари, шахснинг ўзини намоён қила олиши, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларини қондиришдан келиб чиқади.

Жараён сифатида ўйин тузилмаси (Г.К. Селевко таъбирича) қуйидагиларни қамраб олади.

- ўйнаш учун олинган роллар;
- бу ролларни ижро этиш воситаси бўлган ўйин ҳаракатлари;
- предметларни, яъни ҳақиқий нарсаларни шартли, ўйин нарсалари ўрнида қўллаш;
- ўйин билиш ва унинг бир қисми (кириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) тарзида ташкил этилади. Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув мақсадларда қўлланади.
- ўйиннинг дидактик мақсади билимлар доираси, билиш фаолияти, амалий фаолиятида билим, малака ва кўникмаларни қўллаш, умумтаълим малака ва кўникмаларни ривожлантириш, меҳнат

кўникмаларини ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган бўлади.

А.Тюков фикрича, ҳар қандай ўйин қай тарзда лойиҳалаштирилишидан қатъий назар, уларнинг ҳар бири қуйидаги талабларни бажариши лозим:

- касбий доира имитацияси яхлитлиги, ўйин имитациясига тааллуқли бўлган тузилма ва жараёнлар асосий воқеликни акс эттирувчи умумий сюжет ёки асосий мавзуга эга бўлиши лозим;
- мустақил ташкил этишга йўналганлиги;
- ўқитишнинг муаммолиги.

А.А. Тюков ўйин даврийлигининг қуйидаги босқичларини қайд қилади:

- вазиятни ва муаммолаштиришни таҳлил қилиш асносида ўйиннинг асосий сюжет мавзуси бўйича ўйин иштирокчисининг сермахсул мустақил ижодий иши;
- амалий гуруҳларнинг иш натижаларини умумий танқидий муҳокама қилиш;
- ўйин жараёни ва иштирокчилар ҳатти-ҳаракатларини рефлексив таҳлил қилиш;
- ечимни ташкил қилиш босқичи.

Я.С. Гинзбург ва Н.М. Коряк ўйиннинг қуйидаги социал-психологик хусусиятларини фарқлайди:

- гуруҳ характери;
- яратувчилик, шартлилик;
- рамзийлик, утилитар бўлмаслик характери.

Ҳар қандай ўйин замирида умумий қабул қилинган таълим принциплари, тактикаси ётиши керак. Ўқув ўйинларини яратиш мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир яратилган ўқув ўйини барча араб тили ўқитиладиган мактаб, лицей, институтда қўллаш учун мос бўлиши керак. Ўқув ўйинларидаги материаллар мазкур курс режасига тўғри келиши керак ҳамда ўша курс дарслиги мазмунига мос тушиши керак. Ўқув ўйинларига ўқув предметлари асос қилиб олиниши керак.

Ўқув ўйинларини тайёрлашда дарсликдаги маълумотлар ўйин шаклига келтирилади. Ўқув ўйинлари талабаларнинг дарсда олган назарий билимларини амалий кўринишдаги варианты деб айтса бўлади. Бу “синов майдони”да синаш ва синалишга тайёр бўлиш учун талаба ўтилган барча ўқув мавзуларини мукамал ўзлаштирган бўлиши лозим. Ўқув ўйинлари жараёнида талаба оддий дарсга қараганда бу ўйинга қизиқиброқ ёндошади ва бемалол фаолият кўрсатади.

Ҳар бир олий ўқув юртида талабаларга қўйиладиган асосий талаб — мутахассислигидан уларда малака ва кўникма ҳосил қилишдир. Айни ўқув ўйинлари ана шундай малака ва кўникма ҳосил қилиш воситаси, пайти ҳисобланади.

Қидирув экспедициясида шундай нақл бор: “Рюкзакка ишлатиладиган — асқотиб қоладиган нарсани эмас, балки усиз бирор иш битмайдиган нарсаларни ол!” (Бери в рюкзак не то, что может пригодиться, а то, без чего совершенно невозможно обойтись!). Тиббиёт институтида ўқув ўйинлари

жараёнида талабалар муляж шаклидаги “касал”ни хоҳлаганларича “операция” қилиб, унинг устида турли тажрибалар – экспериментлар ўтказишлари мумкин.¹ Лекин тилни ўргатишда талаба эксперимент қиладиган муляж йўқ. Ўйинга яхши тайёргарлик кўрмаган талаба ўйин талабларига жавоб бера олмайди ва у бу ўйинни ижобий якунланишига путур етказиши мумкин. Педагогик тажрибалар ҳар қандай таълим усулини илмий асосга кўтаради. Унга фикрлашнинг объектив баҳолаш усули деб қараш мумкин. Шунинг учун педагог эксперимент қилиш йўллари эгаллаши муҳим вазифадир. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўйин аввало ўқитишнинг бир усулидир. У талабаларни назорат қилиш қуроли, имтиҳон ёки талабалар учун жазо эмас.

Худди шу маънода ўйинни яратувчи ва олиб боровчи ўқитувчини шогирдларини мураккаб мусобақаларга тайёрловчи мураббий-тренерга қиёс қилса бўлади. У ўз шогирдларини келажакдаги мусобақаларда учраши мумкин бўлган максимал қийинчиликларни енгитишга ўргатади. Устоз талабаларда шундай кўникмаларни тарбиялагандагина улар ҳар қандай синовларда яхши натижаларга эришишлари мумкин. Ўқитувчининг талабаларда кейинчалик ҳар қандай касбий қийинчиликларни енгитишдек малакаларни тарбиялаши келгусида яхши мутахассис бўлиб етишишлари учун асос бўлиб хизмат қилади (“Машқда қийин бўлса, жангда енгил бўлади” мақолига асосан).

Ўйинда иштирок этмоқчи бўлган талаба албатта унга тайёргарлик кўриш этапини ўтиши лозим. Ўйинга экспромт усулида бирданига киришиб бўлмайди.

Тажриба шундан далолат берадики, ҳар қандай тайёргарлик кўрилмай ўтказилган ўйинда унинг иштирокчиларининг малакаси ва ёшидан қатъий назар улар ўнғайсиз ҳолатга тушиб қоладилар. Шунинг учун ўйинни ўқув амалиётига тадбиқ қилишдан аввал қуйидаги педагогик-психологик масалалар ҳал этилиши зарур. Ҳар бир талаба ўйинга тайёргарлик кўраётганда қуйидагиларни билиши лозим:

- ўйиннинг мақсадини;
- ўйиннинг вазифасини;
- ўйиннинг режадаги қайси мавзуга тааллуқлилигини;
- аввалги ўйинларда шаклланган малака ва кўникмаларни кейинги ўйинларда ҳам қўллаш олиши.

Ўқувчи ва талабалар учун шундай технологик ўйинлар яратиш керакки, улар шогирдларда қизиқиш уйғотсин, уларнинг эҳтиёжларини қондирсин, уларга тезда сингадиган бўлиши лозим. Ҳар қандай ўйинни ўқувчилар кўригидан мувофақиятли чиқиши мақсад қилинадиган бўлса, албатта эксперимент-тажриба, кузатиш олиб борилиши зарур. Бундай жараёнда қайси ўйин ўқувчилар талабларига мос келган, келмаганлиги аниқланади. Ўқувчилар эътиборини қозонаолмайдиган “сунъий ўйинлар” шогирдлар вақтини беҳудага олмаслиги керак. Шунинг учун муайян талабалар гуруҳи ёқтирадиган ўйинларни, уларнинг юракларини ҳақиқий жиззиллатадиган

¹ Наумов Л.Б. Учебные игры в медицине Т. 1986

ўйинлар топмоқ лозим. Бу мезонга тўғри келадиган ўйинлар даражасини ўқитувчи томонидан ўтказиладиган тажрибалар аниқлаб беради. Синаб кўрилмагунча ўйиннинг талабаларга мос ёки мос эмаслигини аниқлаб бўлмайди. Ҳар бир ўқитувчи муайян ўйинлардан фойдаланаётганида танлаш эркинлигига эга яъни, шу ўйинга ўхшатиш ёки бутунлай бошқа вариантини излаб топиш ҳуқуқига эга. Бу эса ўқитувчининг ҳаракатига боғлиқ.

“Ҳарфлар олами” ўйини

Бу ўйин асосан араб тилидаги 28 та ҳарф ўтиб бўлингандан кейин ўтказилади. Ўйинни ўтказиш тартиби қуйидагича: стол устига қўйилган 3та қутининг биринчисидан чўзиқ унлилар, иккинчисидан ой ҳарфлари ва учинчисидан қуёш ҳарфлари жойлашган бўлади. Талабалар навбат билан чиқиб тартиб билан хоҳлаган қутиларида ҳарфларни олиб улардан сўз тузадилар. Бунда талабага ана ўша 3та ҳарфларнинг ўринларини алмаштириб турли сўзлар тузишларига ижозат берилади. М: талаба **اكل** ҳарфларини олди, дейлик. Бу 3та ҳарфдан талаба **كل اكل مأكول كل** каби сўзларни тузиши мумкин. Бунда талабанинг эркин фикрлашига имконият берилади. Қолган талабалар ҳам шундай йўл билан сўзлар тузиб дафтарларига ёзадилар.



Изоҳ: Агар чиққан ҳарфлардан сўз ясаш иложи бўлмаса, ўқитувчи ёрдам бериши керак.

Бу ўйин талаба ва ўқувчиларнинг ҳарфларни тезда таниб олишларига, ҳарфлардан тез сўз тузишларига ва шу асосда уларнинг сўз бойликларининг бойиб боришига ёрдам беради.

Тўпни олинг, сўзни айтинг

Бу ўйин қиз болаларнинг ёшлигида тўпни бир-бирига отиб ўйнайдиган ўйинга ўхшайди. Мазкур ўйин ўқитувчи томонидан синфда ўтказилади. Ўқитувчи қўлидаги тўпни ўқувчиларга тезда отиб, ўзбекча сўзни айтади, ўқувчи тўпни олиши биланок ўша сўзнинг арабчасини айтиб, тўпни яна ўқитувчисига қайтаради. Бу ўйинни ўқувчи-талабалар олиб боришига ҳам рухсат бериш мумкин. Бунда ўқитувчи ўйинни кузатиб туради. Бу ўйиннинг ҳам ўзига хос қоидалари мавжуд – бир сўз икки марта такрорланмаслиги лозим, жавоб бераётган ўқувчиларга ёрдам бериш таъқиқланади, жавоб тўпни қўлга олиши билан берилиши лозим. Агар жавоб белгиланган муддатда ўқувчи томонидан айтилмаса, у ўйиндан чиқади. Қайси ўқувчи

ўйиннинг бошидан охиригача хатосиз ва тезда сўзни айта олса, ўша ўқувчи ғолиб деб топилади.

Бу ўйин ўқувчиларни фаолликка ва ҳозиржавобликка ўргатади. Бундай хислатларни ўқувчиларда шакллантириш долзарб масала ҳисобланади.

“Ким тез сўз туза олади?” ўйини

Талабалар махсус кутидан бирор ҳарфни оладилар ва шу заҳоти мана шу ҳарф иштирок этадиган сўзларни оғзаки айтиб беришлари зарур. Бу усул икки гуруҳга бўлинган талабаларга қўллansa самаралироқ чиқади. Ҳар бир талаба айтаётган сўзларининг сонини ўқитувчи доскадаги ўша гуруҳ номи ёзилган жойга бир 111 рақамларини кетма-кет ёзиш билан белгилаб боради. Бу дарснинг охирида ўқитувчи бирор талабани чиқариб доскадаги ҳар бир гуруҳ номи остидаги белгиланган рақамларнинг сонини ҳисоблаб умумий натижани эълон қилишни таклиф этади. Қайси гуруҳ аъзолари айтган сўзларнинг сони кўп бўлса, ўша гуруҳ ғолиб деб топилади.

Бу усул талабаларни ўтилган ҳарфлар иштирок этган сўзларни тез айтиш ва уни тўғри ёзиб беришларига ёрдам беради.

“Тез сўз айтиш” ўқув ўйини

Ўқувчиларни араб тилига бўлган қизиқиш ва интилишларини ошириш мақсадида “Сўз айтиш” усулидан фойдаланиш яхши натижа беради. Бунда ўқувчилар 2 ёки 3 гуруҳга бўлинадилар¹. Биринчи гуруҳ аъзолари сўз айтишни бошлашади - بدأ Иккинчи гуруҳ аъзоси сўзнинг охирги ҳарфи ا га أخذ сўзини айтади, учунчи гуруҳ аъзоси эса, айтилган сўзнинг охирги ه ҳарфига ذهب сўзини келтиради ва ҳақозо шундай давом этади. Бундай усул талаба ва ўқувчиларни топқирликка, араб тили грамматикасидаги муаммоларни тез ҳал этишга ўргатади. Қуйида бу усулнинг бориш жараёнини намуна сифатида берамиз. Гуруҳ аъзоларининг айтган сўзлари шундай тизимни ташкил этиши мумкин:

عین - نادر	بدأ - أخذ
رمان - نسیج	ذهب - باب
جمع - عامل	بیر - رجل
لاعب - بصر	لبن - نور
رفیق - قاعة	ریف - فائدة
تمر - رشید	تعب - بدي
Ва ҳоказо	

¹ Талабаларни гуруҳларга бўлиш ҳам муҳимдир. Уларни ҳар бир ўйин олдида янги таркибда бўлишига ҳаракат қилиш керак. Мақсад-ҳар бир гуруҳда фаол ва пасив талабаларнинг сони бир хил бўлишига эришишдир. Гуруҳларга бўлиниш вақтида ҳар бир гуруҳ сардори чиқиб, стол устидаги номлари яширинган гуруҳдошлари фамилияларини танлаб гуруҳ ҳосил қилади. Бу усул фаолларнинг битта гуруҳда тўпланиб қолишларининг олдини олади.

Бу ўйинда рақиб гуруҳни мағлубиятга учратиш учун қарши ўйнаётган гуруҳни иложи борича кам учрайдиган сўзларни айтишларига мажбур қилишлари лозим. Бу ўйиннинг сири мана шу. Мазкур ўйиннинг ўзига хос қоидалари мавжуд.

- 1) араб тилида “та марбута” қўшимчаси билан тугаган муаннас жинсдаги сўзлар кўп бўлганлиги сабабли, жавоб берганда бундай сўзларни кўп ишлатиш мумкин эмас;
- 2) феълларни уч замонда келтириш мумкин, лекин уларни кетма-кет такрорлаш таъқиқланади;
- 3) араб тилида учта “ع، ا، ؤ” “а” иккита “س، ص، ث” “с” иккита “ز، ذ، ض” “д” “ض، د” мавжуд бўлганлиги учун сўз қайси ҳарф билан тугаган бўлса, ана ўша ҳарфнинг ўзи билан бошланган сўзни айтиш керак бўлади. Масалан:

ناس – سلاح

حمار – رصاص

حب – بط

صباح – حرص

طب – بطيخ

صنع – عين

Бундай шартларга риоя қилмаган гуруҳларга ўйинни кузатаётган ўқитувчи ёки ҳайъат аъзолари танбеҳ беришлари мумкин. Агар бирор гуруҳнинг аъзоси ўзининг навбатида бирор сўзни айта олмаса, унга минус балл берилади ва ўйинни кейинги гуруҳ давом эттираверади. Мазкур ўйинда қатнашаётган ҳар бир гуруҳ аъзолари ўзларининг сўз бойликларидаги сўзларни ишлатишга ҳаракат қиладилар. Ушбу баҳснинг финалига икки талаба етиб келади ва бунда қайси қатнашчи сўз келтира олмаса, ўша талаба мағлуб ҳисобланади. Бундай ўйиннинг узоқ давом этиши ҳар бир гуруҳ аъзоларининг сўз бойлигининг нақадар кўп ёки озлигига боғлиқ. Бу сингари ўйинга ҳамма талаба ҳам қатнаша олмайди, лекин ўйинга қатнашмаётган-кузатувчи талабаларда ҳам кейинги шундай сўз баҳсида қатнашиш рағбати уйғонади, янги сўзларни кўпроқ ёд олишга ҳаракат қиладилар. Бу ўйиннинг ўзига хос аҳамияти шундаки, у пассив талабаларни ҳам фаоллар қаторига қўшилишларига ундайди. Ўйинда томошабин бўлиб иштирок этган талабаларда ижобий ўзгариш рўй беради. Улар ўқитувчи томонидан бериладиган саволларга зудлик билан жавоб беришга ҳаракат қиладилар. Бу тажрибаларда ўзини оқлаган усуллардан биридир.

Ҳар бир ўйиннинг афзал томонлари, самарадорлиги унинг натижаларини таҳлил қилгандан кейин аён бўлади. Шунинг учун ўқитувчи ўйинда қатнашган ҳар бир талабанинг иштироки, ўйиннинг қизиқарли ўтишига қўшган улушини алоҳида эътиборга олиши керак ва ўйиннинг натижалари янги ва эски усулларнинг фарқини аниқлаш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Ўйин ниҳоясида ўқитувчи талабалар билан ўйин давомида йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қиладилар ва кейинги ўйинларда шундай камчиликлар такрорланмаслигига ҳаракат қиладилар. Араб тилини ўқитиш жараёнида ўргатилаётган мавзулар мутахассислик нуктаи назаридан қараганда йўл қўйилган хатоларга қараб таълимнинг мезонини аниқлаб олиш мумкин. Бунда хато қанча кам бўлса, касбий тайёргарлик даражаси ва сифати

шунча юқори бўлади. Лекин баъзи ўқитувчилар хатоларга унча эътибор бермайдилар. Шунинг учун авваллари қўлланилган “Хатолар устида ишлаш” усулига қайтиш – талабалар билимининг пухта чиқишида аҳамияти каттадир.

“Сирли ришта” ўйини

Ўйиннинг бошида ўқитувчи бу ўйиннинг вазифасини тушунтиради. Ўйинга аввалдан тайёргарлик кўрилади. Ўйинга керак бўлган 4-5 хил рангдаги иплар ҳозирланади. Масалан, 10та қизил рангдаги ипнинг ҳар бирига биттадан жами 10та арабча мақоллар ёзилган картон ёки қалин қоғоз улаб қўйилади. 4 хил ипга 10тадан мақол ёзилган қоғоз билан бирлаштирилса, жами 40та мақоллар тўпланади. Ипларнинг иккинчи учи тортиш учун тайёрлаб қўйилади. Мақоллар ёзилган қоғозлар дид билан ясалган бир қутининг ичига жойлаштирилади. Ўйин бошланади. Ўқувчилар стол устидаги қутидан чиқиб турган 4хил рангдаги ипларнинг тўртала хилидан биттадан тортадилар ва ана шу 4та арабча мақолни олиб жойларига ўтирадилар ва улар ўз гуруҳ аъзолари билан ҳар бир мақолни ўзбек тилига таржима қилиш ва уни шарҳлаб бериш учун тайёргарлик кўрадилар. Агар тортилган ипнинг ўртасида тугун бўлса, ўша гуруҳ 5 балл йўқотган бўлади. Агар жавоб бериш жараёнида ҳар бир арабча мақолнинг ўзбекча ўхшашини ҳам келтирсалар, бу иш мақтовга сазовор бўлади.

Мазкур ўйин – дарснинг мақсади – ўқувчи талабаларнинг аввалдан ёдлаган арабча мақолларини қандай ўзлаштирганликларини синашга қаратилган. Бу усулдаги синовни ҳар бир ўқувчи учун ёки гуруҳларга бўлиб ҳам ўтказса бўлади. Ўйиннинг охирида ўқитувчи унга яқун ясайди ва гуруҳларни баҳолайди.

“ب билан бошланувчи сўзларни ким кўп ёза олади?” ўйин дарси

Ўқитувчи бу ўйин – дарснинг мақсади, яъни араб тилидаги ҳарф билан бошланувчи сўзларни тез ва тўғри ёзишни машқ қилиш қоидаларини тушунтириб бергандан сўнг икки талаба доскада, қолган талабалар эса ўз дафтарларига айтилган ҳарф билан бошланадиган сўзларни иложи борича кўпроқ ёзишга ҳаракат қиладилар. Дарснинг якуний қисмида энг кўп сўз ёзган талаба доскага чиқиб ўзининг ёзган сўзларини ўқийди. Қолганлар эса, ўзларидаги ўхшаш сўзларни белгилаб борадилар. Дарснинг охирида бошқа талабаларда йўқ сўзларни доскадаги талаба доскага ёзади. Талабалар учун янги ҳисобланган бу сўзларни ўтирганлар кўчириб оладилар ва ёдлайдилар. Ким мазкур ҳарф билан бошланадиган сўзларни кўп ва бехато ёзган бўлса, ўша талаба ғолиб деб топилади. М:

بترول، بارز، برتقال، بداية، بديهية، بئر، باخرة، باب، بدأ، برق، بنس، بشر، برد، بدء، بصل،

برق، بغداد، بدلة، بدن، بطيخ، باهر، بكر، بسيط، برج، بطل، بضعة، بحث، بدوي، بربر، بصر، بقرة

Ўйин пайтида ўқитувчи қандай иш билан шуғулланиши керак деган табиий савол туғилади. У ўйин пайтида доска олдида ёки ўйин қатнашчилари ораларида юриб, уларнинг кўнгилларини кўтарадиган гаплар билан уларни

ғалабага чорлаши керак. Албатта, талабаларга ўйин пайтда бундай эмоционал муҳит яратиш уларнинг ижобий натижаларга эришишларига яхши таъсир этади. Ўқитувчи ўйин жараёнини бошидан охиригача магнит лентасига ёзиб олиши мумкин. Бу ёзув ўйиннинг охирида таҳлил этишда зарур бўлади. “*Фақат сувгина оққушни оққуш қилади, сувсиз оққуш ғознинг ўзидир*”. Жильбер Сесброн. Мутафаккирнинг бу сўзида катта маъно бор. Бу сўзни ўқитувчи ва унинг фаолиятига йўйсак, шундай хулоса қилиш мумкин – ўқитувчи ўз номи билан ўқитиб, уқиб туриши лозим, ўқимаган устоз сувдан қолган дарахтга ўхшайди. Ўқитувчини ўқитувчи қилиб турган нарса – унинг билими, ҳаракати, янгиликка интилиши ва тажрибасидир. Бу хислатларсиз ўқитувчи бўладими? “*Ўқитувчи - бу шундай инсонки, у аввал битта фикр ўсган жойда иккита фикрни ўстиради*”, деган эди Элберт Хаббард.

“Антоним сўзлар” ўйини

Бу ўйин қизиқарли ва эҳтиросли ўтади. Ўйинда талабалар жиддий ҳолатда ўйнай олмайдилар, чунки ўйин кулги ва хазил мутойиба асосида ўтади. Бунда ҳар бир гуруҳдан биттадан талаба ўйинга қатнашиш учун доскага чиқади. Қуръага кўра биринчи талаба бирор сўзни айтади, унинг рақиби эса ўша сўзнинг тескари маъносидagi сўзни келтиради. Бу ўйинда барча талабаларнинг иштирок этишларини таъминлаш учун ўйинда қатнашаётган икки талаба фақат белгиланган 4-5 тадан сўзларни айтади ҳолос. Кейинги икки талаба ҳам шу тартибда бир – бирларини синайдилар. Сўз баҳсида қайси гуруҳ талабаси ютса унга “*тўлиқ ой*” шаклидаги яшил қоғоз, ютқизса, “*ярим ой*” шаклидаги яшил қоғоз берилади.

Ўйин охирида тарқатилган яшил қоғозлар ҳисобланганда қайси гуруҳнинг ғалаба қозонганлиги аниқ бўлади. Мазкур ўйинга аввалдан тайёргарлик кўриш лозим. Талабаларга антоним сўзлар берилади ва уни ёдлайдилар.

كبیر	-	صغیر	جمیل	-	قبیح
قریب	-	بعید	لذیذ	-	مر
ثقیل	-	خفیف	أبیض	-	أسود
بصیر	-	أعمی	مجتهد	-	كسلان

Синоним сўзлар ўйини ҳам шу тартибда ўтади.

Бу ўйинларнинг яна бир ижобий жиҳати шундан иборатки, талаба кейинчалик араб тилида сўзлашаётган пайтда ўйиндан олган малакалари унга асқотади, яъни, антоним ва синоним сўзларни бемалол қўллаш кўникмасига эга бўлади. Бундай хусусият ҳар қандай машғулотда ҳам шаклланавермайди. Ўйин – дарсининг аҳамияти ҳам шунда.

“Рақамни тез топинг” ўйини.

ثلاثة / ثمان / ثلاث عشرة /	أحد عشر / ستة عشر / خمس /
أربعون / سبع وعشرون / ثمانية	واحد / تسع عشرة / إثنا
وتسعون / خمسة / تسعة عشر /	سبعون / ثمانى عشرة / تسع
أربعة وسبعون / أحد وخمسون /	وعشرون / سبع عشرة / عشر /
ستون / ثمان وأربعون / سبعة /	أربعة عشر / ثمان وعشرون /
ستة عشر /	إحدى عشرة / تسعون / إحدى
إثنا عشر / تسع وخمسون /	وعشرون / إثنا عشرة / ثمانون

Бу ўйин араб тилидаги санок сонлар мавзуси ўтилгандан кейин ўтказилади. Доска иккига бўлинади ва ўқитувчи унинг ҳар икки томонига 1дан 100гача бўлган санок сонларни аралаштириб ёзади (жадвалга қаранг). Ёки аввалдан тайёрланган кўргазмали восита-катта оқ қоғозга ёзилган рақамларни доскага илиб қўйиши мумкин. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ аъзосига биттадан рақамни арабча талаффуз қилади, талаба эса тезда рақамни доскадан кўрсатиши лозим, кўрсата олмаса унга минус балл ёзилади. Бунда ҳар бир рақамни топиш учун маълум бир вақт белгилаб олинади. Қайси гуруҳ рақамларни тез ва минус баллсиз топа олса, ғолиб чиқади.

Ўқувчи ёки талабаларда арабча нутқни шакллантиришда қуйидаги усул ҳам қўл келади. Дарс жараёнида доскага мактаб, шаҳар, қишлоқ, ошхона, аэропорт, меҳмонхона акс эттирувчи расмлардан бири қўйилади. Бунда ҳар бир ўқувчи шу расм асосида биттадан гап тузиши керак. Кейинги ўқувчи аввалги ўқувчи айтган гапни такрорлайди ва унга яна битта жумла қўшади. Учинчи ўқувчи ҳам ўртоғи келтирган ва ўзи қўшган гапни қайтаради. Кейинги ўқувчилар ҳам шу зайлда давом этадилар. Шу билан мазкур жараён катта бир матн тузилгунга қадар давом этади. Бир ўқувчи синфдошлари айтган гапларни доскага ёки бир қоғозга ёзиб бориши ёки ҳар бир ўқувчи шу жумлаларни ўз дафтарларига ёзиб боришлари мумкин. Бу ўйин ниҳоясида гаплар муҳокама қилинади, йўл қўйилган хатолар тузатилади, фаол ўқувчилар рағбатлантирилади.

Муомала маданиятини, нутқни шакллантириш, эркин фикрлашга даъват этувчи ўйинлар ҳам бор. Бунда ўқувчилар ўқитувчи айтган “Шифокор хузурида”, “Бозорда”, “Бекатда”, “Кутубхонада”, “Меҳмонда” каби мавзулар юзасидан сценарий тузиб, уни ролларга бўлиниб бажарадилар. Кимнинг сахна кўриниши ишончли, қаҳрамонларнинг сўзлари тўғри танланган бўлса,

ўша гуруҳ ғолиб бўлади. Бундай ўйинларнинг қанчалик жонли чиқиши ва қизиқарли тарзда ташкил этилиши бевосита ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқдир. Ўқитувчи ўйинни қанчалик эҳтиросли (қизиқарли) олиб бориши, ҳар бир ўқувчини эътибордан четда қолдирмай кузатиб бориши ҳам ижобий натижалар беради.

“Мезон” ўйини

Бу ўйин, асосан, талабалар фаолиятини оширишга ҳамда сушт талабаларни фаоллаштиришга қаратилган. Ўйин технологияси қуйидагича: бу ўйинда асосан тарози керак бўлади. Тарози (арабча “ميزان”) столнинг устига баландроқ жойга ўрнатилади. Талабаларга аввалдан тайёрланган саволлар ёзилган картон қоғозлар тарқатилади. Қоғозларнинг оғирлиги саволларнинг осон-қийинлигига боғлиқ бўлади. Савол енгил бўлса, қоғоз ҳам ўшанга боғлиқ ҳолда енгил бўлади. Агар савол қийин бўлса, қоғознинг вазни ҳам оғир бўлади. Ўйин бошланади. Иккига бўлинган гуруҳ аъзолари навбат билан битта осон, битта қийин савол олиб, белгиланган муддатда саволларга жавоб ёзиб, тарозининг ўзлари танлаган палласига қўядилар. Саволга жавоб бериб бўлган гуруҳ навбатдаги саволни олаверади, токи тарозининг мили (стрелкаси) айтилган грамм ёки килограммга етгунча. Ким тезроқ ўша оғирлик нуқтасига биринчи бўлиб етиб борса, ўша ғолиб бўлади. Лекин баъзан дуранг ҳисоб чиқиши мумкин. Унда ўқитувчи ҳар бир гуруҳга биттадан мураккаб савол беради. Ким агар биринчи бўлиб ўйинни тугатса ва текширилганда жавоблар беҳато чиқса, ўша гуруҳ толиби ғолиб деб топилади.

“Ранглар ўйини”

Ўқитувчининг қўлида оқ, қора, қизил, яшил, сариқ қоғозлар бўлади. Навбат билан рангларни кўрсатиб, **أي لون هذا؟ أي الاشياء بهذا اللون؟** деб масалан оқ рангни кўрсатади. Талабалар бу оқ ранг деб, жавоб берадилар ва оқ рангдаги предметларни санайдилар: оқ рангда қоғоз, гул, узум, ўрик, қовун, уй, кийим, сочиқ, бино, шафтоли, қор, айиқ, машина, лайлак, кабутар, оккўнгил, оқ фотиҳа ва келиннинг оқ либоси...

Бу ўйин талабаларга ранг номларини ўз ўрнида тўғри қўллашга ўргатади.

“Сирли варақ” ўйини

Бундай ўйинлар турли йўналишлар бўйича яратилган бўлиши мумкин. Биз қуйида уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги ўйинни эътиборингизга ҳавола этамиз. Бу ўйинда алоҳида қоғозларга муайян ҳайвонларнинг расмлари чизилган бўлади. Навбат билан биттадан расмлар доскага тескари томони билан қўйилади ва ўқувчиларга “Қоғозда қайси ҳайвон тасвирланган ва у қандай овоз чиқаради?” деб савол берилади. Ўқувчиларга ёрдам сифатида досканинг бир қисмига ит-вовуллаиди, мушук-миёвлайди, от-кишнаиди,

бўри-увиллайди, эшшак-ханграйди, оху-инграйди, тулки-улийди, мол муълайди, кўй баълайди, эчки маърайди деб араб тилида ёзиб қўйилади. Ўқувчининг вазифаси – қоғоздаги ҳайвоннинг расмини кўрмай туриб, аввало унинг қандай овоз чиқаришини айтиб топиши керак. Белгиланган вақт ичида ўқувчи мазкур ҳайвонни топаолса, унга кейинги саволлар берилади. Ўқитувчи **وكيف يرتفع صوته. ما هو هذا الحيوان؟** Бу қайси ҳайвон? У қандай овоз чиқаради? деб сўрайди.

Ўқувчилар навбат билан қўл кўтариб ўзлари ўйлаган ҳайвоннинг номини айтадилар. Ўқитувчи ҳар бир жавобга “тўғри” ёки “нотўғри” деб баҳо бериб туради. Бир ўқувчи қоғоздаги “сир”ни очди, яъни тулкининг расмини топди деб, фараз қилайлик. Бунда унга кейинги савол берилади: “У нима деб овоз чиқаради?”. Ўқувчи арабча тулки улийди дейди. Кейинги савол “У қаерда яшайди?”. У ўрмонда яшайди. “У нима билан овқатланади?” деган саволга ўқувчи “У гўшт ейди” деб жавоб беради. “У айёрми?” саволига “Ҳа, тулки айёр ҳайвон” деган жавобни беради.

Кейинги ўқувчи итнинг расмини топса, биринчи: “Ит қандай овоз чиқаради?” саволига ит вовиллайди, “Ит қаерда яшайди?” саволига ит одамларнинг уйларида яшайди деган жавоб бўлади. “Ит нима ейди?” сўроғига “Одамлар нима еса, ит ҳам ўша овқатни ейди” деган жавоб бўлади. Ўқувчи давом этади – ит одамларнинг дўсти, у одамларнинг уйларини кўриқлайди. Агар ўқувчи доскадаги сўзлардан бошқа янги сўзни ишлатса, ўша сўз доскага ёзиб қўйилади. Ўйиндан кўринаяптики, ўқувчилар аста-секин варақдаги ҳайвоннинг “сир”ини оча бошлайдилар ва шу билан бирга ўқувчилар ҳайвонларнинг қандай овоз чиқаришини ўрганиб оладилар. Агар бундай ўйин усулидан фойдаланилмаса, ўқувчилар ҳайвонлар қандай овоз чиқаришлари тўғрисидаги арабча маълумотга эга бўлмасликлари мумкин. Мазкур ўйин усулидан “Мевалар” мавзусини ўтганда ҳам фойдаланса бўлади. Унда қуйидаги саволлар бўлиши мумкин: “Бу қандай мева?”, “Унинг ранги қандай?”, “Бу мева Ўзбекистонда ўсадими?”, “У қандай хид таратади?”.

“ Ўйла! Изла! Топ! ” ўйини

Бу ўйин шу ном билан телевидение орқали намоёниш этиладиган зукколар-топқирлар ўйинига ўхшатиб яратилган бўлиб, у иложи борида 2-курс талабалари билан баҳор ойларида ўтказилгани маъқул. Чунки 2-курс талабалари бу муддатгача араб тили грамматикасидан асосий мавзуларни ўзлаштириб бўлган бўладилар. Ўйин ташаббускори - ўқитувчи ўйиннинг имкониятларидан келиб чиқиб мавзунини танлаб олади. Мавзу ўтилган бўлиши керак. Мавзу танлаётганда, ўқитувчи гуруҳ аъзоларига бериладиган саволларга қизиқарли жавоб чиқишини, шунингдек, талабаларни фикрлашга, мушоҳада қилишга ва тортишувларга сабаб бўла оlishини аввалдан кўра олиши лозим.

Бу ўйин натижасида талабалар оддий “гапиришга” гина ўрганмай, балки ўйлаб, мушоҳада қилиб, фикр юритиб, “иждодий гапириш” га

ўрганадилар.Замонавий технология нуктаи назаридан қараганда, мазкур ўйиннинг “иждо қилишга ундаш” хусусияти аҳамиятлидир.

Гуруҳ аъзоларини ўқитувчи талабалар хоҳишига қараб ҳам тайинлаши мумкин. Қатнашчилар доира шаклида ўтирадилар, уларга бошқа шундай курс талабалари ўзларининг саволлари билан мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, ўйинда томошабин ёки кузатувчи сифатида иштирок этувчи ўқитувчилар ҳам савол беришлари мумкин.

Бошловчи мазкур ўйиннинг мақсади ва вазифалари, унинг йўналиши, мавзусини ва унинг иштирокчилари билан таништиради. Ўйин бошланади. Айланувчи асбобнинг стрелкаси қайси савол тўғрисида тўхтаса, гуруҳ сардори ўша саволни ўқийди, иштирокчилар унинг жавобини излашга киришадилар. Шунда ўйин қатнашчиларининг хушёрлигини ва масъулиятини ошириш мақсадида бошловчи баланд овоз билан “Саволни каттиқроқ ўқинг!”, “Фаолроқ муҳокама қилинг!” деб айтади.

Гарчи, ўйиннинг телевизион вариантида саволга жавоб бериш учун 1 дақиқа белгиланган бўлса-да, аммо мазкур ўйинда бошловчи катта қилиб жавоб учун ёзилган “1,2,3,4,5” рақамларини ишлатади. Ўқитувчи берилган саволга 1 дақиқа ўтган бўлса, 1 рақамини кўрсатиб “Бир дақиқа ўтди” дейди, 2 дақиқа ўтган бўлса, 2 рақамини кўрсатиб, “2 дақиқа ўтди” дея огоҳлантириб боради токи 5 минутгача. Бунда гуруҳ аъзолари саволга 1 дақиқа мобайнида жавоб берсалар, ўша 1 рақами гуруҳ сардорига берилади. Агар улар 2 дақиқа давомида жавоб берган бўлсалар, 2 рақами ҳам берилади. Гуруҳ аъзоларининг жавобларига бериладиган балл шундай тартибда ҳисобланади. Жавоб беришга кетган вақт қанча оз бўлса, бериладиган балл шунча кўп бўлади. Яъни 1 минутга – 5 балл, 2 минутга – 4 балл, 3 минутга – 3 балл, 4 минутга – 2 балл, 5 минутга – 1 балл берилади. Бундай баҳолаш тизими талабаларнинг тезроқ жавоб қайтаришларига ундайди.

Ўйиннинг бошиданоқ гуруҳ орасидан ўйин лидери ажралиб чиқиши мумкин. У ташаббусни қўлга олиб, бошқаларга “сўз” бермаслиги мумкин. Шунингдек, биринчи дақиқаларданоқ аутсайдерлар – пасив талабалар ҳам кўриниб қолади. Улар лидер ва фаолларнинг “орқасида” ўтиришга ҳаракат қиладилар. Ана шундай пайтда гуруҳнинг пасив аъзоларини фаоллаштириш учун жавоб бериш навбати атайлаб шуларга берилади. Агар аутсайдерлар яхши жавоб қайтарсалар, улар ўз навбатида рағбатлантирилади. Чунки бу ўйинни ўтказишдан мақсад ҳам талабаларни фаоллаштиришдан иборат.

“Ўйла! Изла! Топ!” ўқув ўйинини уюштирган ўқитувчи ўйин охирида гуруҳнинг қўлга киритган ғалабаси билан табриклайди, агар мағлуб бўлсалар, унинг сабаблари атрофлича муҳокама қилиниши зарур. Ўйиннинг ниҳоясида ўйин иштирокчилари қабул қилган рақамларга асосан ҳисоб-китоб қилинади.

Бундай ўйиннинг ижобий томонлари:

- мазкур ўйин талабалар ўртасидаги муаммоли масалаларни жамоа бўлиб ҳал этишга ундайди;
- бу ўйин гуруҳ аъзолари ўртасидан лидерларнинг пайдо бўлишига имконият яратади;

- бу ўйин давомида аутсайдерлар (ортда қолувчи) ҳам аниқланади;
- бу ўйин талабаларда саволга тез жавоб бериш каби топқирлик кўникмаларини шакллантиришда хизмат қилади.

Бу ўйиннинг салбий томонлари:

- бу ўйинда ҳамманинг бир хил жавоб бера олмаслиги табиий ҳол. Шунинг учун фаолиятсиз пассив талабалар ҳам ўзини намоён этиши мумкин.
- Бу ўйинда флегматик хусусиятга (узоқ ўйлаб жавоб берадиган) эга талабалар ўнғайсизланиб қоладилар.

Шунинг учун бундай ўйин муаллифи – ўқитувчи гуруҳ аъзоларини шакллантираётган пайтда юқоридаги камчиликлар рўй бермаслигини олдиндан кўра билиши даркор.

“Қуённи қутқаринг” ўйини

Бу ўйинга тайёргарлик кўриш пайтида катта оқ қоғозга қуйидаги мазмундаги расм солинади: ўртага қуён, атрофига эса бўри, тулки, шер ва йўлбарсларнинг расмлари чизилади. Лекин фақат йиртқич ҳайвонларнинг расмларигина ана шу қоғозга илиб қўйилади. Ўйин бошланади. Кўзи боғланган ўқувчи ваҳший ҳайвонларнинг бирортасини қўли билан олиб ташлаши керак ва бажарган ишини араб тилида сўзлаб бериши керак. М: “Мен қуённи бўридан озод этдим” каби. Бундай ўйиннинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта, у талаба-ўқувчиларда жонивор ва ҳайвонларга нисбатан меҳрибонлик ҳиссини тарбиялашда катта ўрин тутди.

“Меҳмон қайси эшикдан келади?” ўйини

Бунда гуруҳларнинг сонига қараб бир қаторга 2-3та эшикларнинг расми чизилади. Орқа томондан ҳар бир эшикни очиш учун унга ип боғлаб қўйилади. Масалан, араб меҳмонининг расми эшикка мос қилиб тайёрланади. Қайси гуруҳ ғалабага эришса, ўқитувчи ёки унинг ёрдамчиси ипни тортиб ўша эшикни очади ва ундан сим ёки ингичка ёғочга маҳкамланган меҳмонни кўрсатади. Энди ўйиннинг бориши ҳақида. Гуруҳларга бўлинган талабалар навбат билан меҳмонни ўзларига чорловчи хушмуомаликка доир сўзлар ва иборалар ишлатиб унга мурожаат қиладилар. Ҳар бир гуруҳ аъзоларининг гаплари жюри ҳайъати томонидан баҳолаб борилади, лекин эълон қилинмайди. Бунда томошабин-талабалар ва ўқитувчиларнинг қарсаклари ҳам эътиборга олинади. Баҳолашнинг иккинчи вариантдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда меҳмонни энг яхши чорлаган гуруҳ эшигининг теппасидаги махсус тешикка яшил байроқчалар ўрнатиб борилади. Қайси эшикнинг тепасида шундай байроқчалар кўпайса, ўша гуруҳ ғолиб деб топилади. Мазкур ўйин ўқувчи-талабаларни араб тилида қоидали салом-алик қилишга,

кишиларни меҳмонга, тўйга ва турли тадбирларга даъват қилишларида малака ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Мазкур ўйин-дарсни ўтказишдан аввал хушмуомалаликка доир қуйидаги ибора ва сўзлар талабаларга ёдлатилади.

Хуш келибсиз-مرحباً

Ташрифингиз билан-الحمد لله على السلامة

(Сиз эсон - омон келганингиз учун Аллоҳга шукур)

Агар худо хоҳласа-إن شاء الله

Лекин араблар бу иборани айтилиш интонациясига қараб турли маъноларда ҳам ишлатадилар. М: ”Бўлиши мумкин”, “Ишонаман” маъносида. Кўпинча “Агар Аллоҳ хоҳласа қиламан (бажараман) маъносида ҳам ишлатилади.

Нотаниш кишига мурожаат қилинганда: حضرتك агар у зиёли киши бўлса унга арабча шундай мурожаат қилинади-يا أستاذ Ўзимни таништиришга рухсат берсангиз - إسمح لي أن أقدم نفسي

Мен сизнинг хизматингиздан - أنا تحت أمرك

Хизмат кўрсатишга тайёр эканлигини изҳор этиши қуйидагича билдирилади: - أي خدمة أنا في خدمتك

“Бахтли фурсат” فرصة سعيدة маъносидаги ибора танишгандан кейин айтилади ва “Мен сиз билан танишганимдан хурсандман” маъносини англатади.

Зўр! هائل! عظيم

Ғоятда, қизик, жуда ҳам يا سلام

Хонадонинг қандай яхши! على شقتك

Қандай яхши хабар! يا خبر أبيض

Табриклайман! مبروك!

Аллоҳ сени муборак қилсин! (табрикка жавоб) الله يبارك فيك

Яхши. طيب. تمام

Албатта طبعاً

Тоғри صحيح

Ассалому алайкум, ва алайкум ассалом, хуш келибсиз! السلام عليكم وعليكم
السلام اهلا وسهلا

Мисрга хуш келибсиз! مصر! أهلاً وسهلاً بكم في

Сиз билан танишганимдан хурсандман بكم يسرني أن أتعرف بكم

Марҳамат қилиб менга айтингчи-حدثني من فضلك

Марҳамат қилиб (малол келмаса), соат неча бўлди? من عمل معروفاً قل لي من فضلك والله الساعة كم؟

Отангга хат юборишингни сўрайман-والدك أرجوك أرسل الجواب إلى

Иккита сўз айтсам мумкинми? كلمتين؟ ممكن ...

Битта савол бор эди-سؤالاً؟ ممكن أسأل سؤالاً؟

Бир кичик илтимос бор-بسيط أنا عندي طلب بسيط

Жоним билан-ورأسي بعيني

Хурсандчилик билан-سرور بكل سرور

Сизга соғлиқ ва эсон-омонлик тилайман-والصحة والسلامة أتمنى لك دوام

Сенинг жавобингни кутиб қоламан-أنا بانتظار جوابك

Ниҳоясида-ختاماً

Азизим-عزيزي

Севгилим-حبيبي

Ҳурматли жаноб – يا سيد المحترم

Салом... кейин...- تحية طيبة وبعد...

Ҳурмат билан...ва кейин...- احتراماً... وبعد...

Дунёнинг етти мўъжизаси- عجائب الدنيا السبع

Жаноб директор. Ҳурматли жаноблар- سيدي المدير. السيد المبجل

Жаноб, Аллоҳ Сизни ўз паноҳида сақласин-حفظكم الله في حفظه

Махсус хатларни якунлашда қуйидаги ҳушмуомалаликка доир иборалар ишлатилади:

Жаноб, бу, бизнинг яхши ва ўзаро самарали алоқаларимиз бошланиш
нуқтаси бўлиб қолиши мумкин –

ستكون هذه سيدي نقطة البداية لعلاقات طيبة مثمرة بيننا إن شاء الله

Сизга чуқур эҳтиром ила тижорат ширкати директори –

مع فائق المحترم... مدير الشركة تجارية

Менинг энг юксак ва самимий саломларимни қабул қилгайсиз –

وتفضلوا بقبول فائق وخالص تحياتي

Сизга алоҳида ҳурматимни қабул қилишга марҳамат қилинг –

وتفضلوا حضرتكم بقبول فائق الإحترام

Сизга самимий ва чуқур ҳурмат, узоқ умр тилаб... –

مع فائق إحتراماتي الاكيدة ودمتم

Аллоҳ таолло сизга узоқ умр ато этсин –

وأطال الله تعالى بقائكم

Тижорат ҳужжатлари бошида ишлатиладиган ҳушмуомала иборалар

Саломлар... кейин, сўнгра (одатда хат ёзганда) –

بعد التحية ... بعد تحية وسلام. التحية الطيبة وبعد. وبعد.

Кунингиз хайрли бўлсин ҳурматли ... –

السيد (فلان) المحترم السلام عليكم ورحمة الله

Ҳурматли жаноб, кўп ҳурматли азиз... –

السيد المحترم. السيدة الموقر. سيدي الكريم. حضرات السادة المحترمين.

Жаноб. Жаноблар. Хоним. Қиз. Ониса. –

سيدة. حضرة السيد. حضرات السادة. سيدة. آنسة.

Жаноб Иордания бош консули – جناب قنصل الأردن العام

Хазрати олийлари, жаноби олийлари – جنابكم

Фирма, ташкилот номига мурожаат қилганда: –

السادة المحترمون. الحضرات المحترمون. حضرات السادة، السيادة

جناب...жаноб сўзи асосан чет элликларга ишлатилади.

Ҳурматли жаноб (қарздорларга мурожат қилишда) المحترم (فلان) السيد (فلان) جناب.

(хурматли, мавқе, даража – موقر , улуғлик, савлат - وقار)

“Мўъжиза майдони” - ўйин дарси

“Мўъжиза майдони” ўйинида қисмларга бўлинган “Мўъжиза майдони” га сўзлар ёзилган бўлади. Унда ҳам талабалар икки-уч гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳдан навбат билан талабалар доирани айлантирадилар, стрелка қайси сўзга келиб тўхтаса, талаба ўша сўзни тезда айтиши керак. Тўғри жавоб берган талабага битта доира шаклидаги яшил қоғоз берилади. “Мўъжиза майдони”даги сўзларни йўналишлар бўйича ёзиш мумкин. Масалан, “Мутахассислик”, “Мевалар”, “Сабзавотлар”, “Ҳайвонлар”, “Уй жиҳозлари” ва б.

Ўйин охирида унинг таҳлили албатта ўтказилиши керак. Ўйинни кузатиб борган ўқитувчи талабаларга “Ким тез ва яхши жавоб берди?” деб мурожаат этади. Талабалар берган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи тўғри хулоса чиқаради ва ўйинни якунлайди.

“Бу киши қайси миллат вакили ?” ўйини

Ўқитувчи навбат билан турли миллат вакилларининг расмларини талабаларга кўрсатади. Талабалар кўрсатилган расмлар бўйича жавоб берабошлайдилар. Ёки 2-3 га бўлинган гуруҳ аъзолари жавоб беришлари мумкин. Бунда кўрсатилган миллат вакили тўлиқ шарҳланиб берилиши лозим. Унинг миллати, мамлакати, жойлашган географик ўрни, давлатининг пойтахти, қайси қитъаданлиги, давлат раҳбари, унинг тақрибан неча ёшдалиги айтилиши керак. М: Мисрлик араб тўғрисида гап кетса - *у мисрлик, Миср Араб Республикасидан ва у Африка қитъасининг шимолида жойлашган, пойтахти Қоҳира шаҳри, президенти Ҳусни Муборак, ёши 21 да,*— деб жавоб бериши мумкин. Бундан ташқари ўқитувчи ўзбек, рус, қозоқ, турк, афғон, ҳитой, ҳинд ва бошқа миллат вакилларининг расмларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Бу ўйин талабаларда турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат ҳиссини тарбиялашга ёрдам беради.

Янги технологик усуллар

“Гап тузиш” усули

Бу усулдан “Исмий ва феълий жумлалар” мавзуларини мустаҳкамлаш чоғида фойдаланилади. Мазкур усулнинг қўлланиш тартиби қуйидагича:

Столнинг устидаги махсус учта қутининг биринчисида гапнинг эгаси, иккинчисида гапнинг кесими, учинчисида эса иккинчи даражали бўлақдан кўрсатиш олмоши жойлашган бўлади. Талабалар навбат билан аввал биринчи, кейин иккинчи ва учинчи қутилардан гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларни оладилар (*расмга қаранг*). Биринчи қутидаги эга бирликда, иккиликда ва кўпликда бўлади. Талаба кесимни ва кўрсатиш

олмошини ўзи танлаган эганинг сонига мослаштириб исмий жумла тузади ва уни доскага ёзади.



Ўтирган талабалар ҳам мустақил равишда гап тузадилар. Масалан, талаба “**مترجم**” (таржимон) сўзини танлади, дейлик. Кейин кесим қутисидан “**ماهر**” (моҳир) сўзини, учинчи қутидан эса “**هذان**” (бу) сўзларини танлади. Талаба тузган жумла қуйидагича бўлади:

هذان المترجمان ماهران.

Кейин ўқитувчи жумлага “**أجنبي**” (ажнабий) сўзини ҳам қўшишни айтади. Талаба қуйидаги гапни тузиши керак бўлади:

هذان المترجمان الماهران أجنبيان.

Жумлани мураккаблаштириш учун ўқитувчи бошқа сўзларни ҳам қўшишни таклиф этиши мумкин. Агар талаба танлаган кесим маъно жиҳатидан тўғри келмаса, масалан, **مُعَلِّم** сўзига **كَلِمَات** ёки **كَلِمَات** сўзлари тўғри келмайди. Бундай ҳолатда, талабанинг ўзи эгага мос кесим ва кўрсатиш олмоши топиши керак бўлади.

Дарс ўтишнинг бу усули нима беради? Авваламбор бу жумлаларни талаба ўқитувчининг ёрдамисиз ўзи тузади. Қолаверса, талаба учта танлаб олинган сўзлардан – эга, кесим ва иккинчи даражали бўлаклардан ўзи англаган ҳолда жумла тузади. Демак, мазкур усул талабани мустақил ишлашга, ўз кучига ишонч ҳосил қилишга ўргатади.

“Араб тилида келишиклар” мавзусини ўтишда қўлланиладиган жадвал

Маълумки, ўзбек тилида олтита, араб тилида эса учта келишик бор холос. Ўқувчи-талабаларга яхши тушунарли бўлиши учун қуйидаги кўргазмали воситадан фойдаланишни тавсия этамиз.

Б.к. (**الرفع**)да гапнинг эгаси, исмий жумланинг кесими, изофа мудрофи туради.

Қ.к. (**الجر**)да сўз предлоглардан кейин, изофанинг мудроф илайҳиси туради.

Т.к. (**النصب**)да сўз ўтимли феъл билан боғланса, **إن وأخواتها** дан кейин туради.

Араб тилидаги аксарият предлоглар аввало ўзбек тилидаги *ўрин-пайт* келишиги, қолаверса *жўналиш* ва *чиқиш* келишиклари маъноларини англатади.


Ўрин п.к.، عند، جنب، لدى، نحو، بالقرب، بين، وراء، أمام، تجاه، تحت، فوق، قرب، على، في
Жўн.к.، إلى، ل، نحو،
Чиқиш кел.، عن، من،

Ушбу жадвални катта ҳарфлар билан тайёрлаб, дарс жараёнида ишлатилса, мавзунини ўқувчи-талабаларга етказиш осон бўлади.

Бирликдаги сўзларни “тўғри” (тўлиқ) ва “нотўғри” (синик) кўпликларга айлантириш” мавзусини ўтишда қўллаш учун зарур чизма

Араб тилида бирликдаги сўзларни кўпликка айлантиришнинг ўзига хос қоидалари ва хусусиятлари мавжуд. Бунда кўпликка айлантирилаётган сўзнинг оқил (шахс) ёки ғайри оқил (нарсас, предмет) бўлиши алоҳида эътиборга олинади. Музаккардаги ғайри оқил сўзларнинг синик кўпликка айланганда, муаннас жинсга ўтиб кетиши ҳолати бошқа тилларда кузатилмайди. Агар сўзнинг охирига **ون** **ات** қўшимчаси қўшиш йўли билан кўплик ҳосил қилинса, тўғри кўплик деб аталиши, сўзнинг охирига қўшимча қўшмай сўзнинг ички таркибини ўзгартириш – синдириш йўли билан кўпликка айлантирилса, нотўғри-синик кўплик деб аталиши каби қоидалар фақат араб тилига хос хусусиятдир. Мазкур чизмада сўзларни тўғри кўпликка айлантиришнинг учта, синик кўпликка айлантиришнинг эса, тўртта қоидалари берилган. Дарсликларда бу қоидалар алоҳида-алоҳида берилмаган, чизманинг афзаллик томонлари шундаки, барча кўпликка айлантириш қоидалари бир жойга тўпланган ва улар тушунарли усулда жойлаштирилган.

Бу кўргазмали воситани ўқитувчи катта қоғозда ва ҳажмда тайёрлаб дарсда фойдаланса, мавзу ўқувчиларга янада тушунарлироқ бўлади, чунки улар кўплик қоидаларини бошқа китоблардан излаб юрмайдилар ва ҳамма қоидалар уларнинг кўз олдида туради, яна талабаларга бу чизма сўзларни кўпликка айлантириш турларини ўрнида фарқлаш имкониятини ҳам беради.



“Ярим, ўрта, меъёр, марказ, ўхшаш маъноларини англатувчи сўзлар” мавзусини баён этиш усули

Барча тилларда бўлгани каби араб тилида ҳам “ярим, ўрта, меъёр, марказ” маъноларида ишлатиладиган сўзлар мавжуд. Бу сўзлар ўзидан кейинги келган сўз билан изофа ҳосил қилади.

ярим, ўртаси	مُنْتَصِفٌ	ярим, ўртаси	نِصْفٌ
ярим, ўхшаш	شِبْهٌ	ўртаси, маркази, меъёри	وَسْطٌ (أَوْسَاطٌ)

Мисол:

шаҳар марказида	في وسط المدينة
шўлнинг ўртаси (ярми)	وسط الطريق

“وسطى” бўлади. “وسطى” муаннаси (أَوْسَاطٌ) (кўп. –ўрта –وسط

М:

Ўрта Осиё	آسيا الوسطى
ўрта асрлар	أَلْقُرُون الوسطى
ўрта табақа	أَلطبقة الوسطى

ойнинг ўрталари	أوساط الشهر
Африканинг марказий вилоятлари	أوساط إفريقيا
ўрта йўл	السبيل الوسطي
тижорат доиралари	الأوساط التجارية
дипломатик доиралар	الأوساط الدبلوماسية
Мен йўлнинг ярмида чарчадим ва бироз дарахт сояси остида дам олдим.	تعبت في وسط الطريق واسترحت قليلا في ظل الشجرة
Нарсаларнинг энг яхшиси ўртачасидир (меъёридир)	خير الأشياء أوسطها

“وسط - ўрта” сўзи (кўплиги: وسطاء - воситачи) ёшни белгилашда ҳам ишлатилади. Масалан:

ўрта ёш	العمر الوسيط
---------	--------------

“وسط” феълининг охирига “ن” қўшилиши билан “وسطن” феъли ҳосил бўлади ва у “ўрта ўринга ўтказмоқ, марказий ўринга ўтказмоқ” маъносини англатади. 5-бобда “توسطن” - марказга, ўртага ўтирмоқ маъносини англатади.

“ярим” сўзи – “نصف”

ярим шар	-	نصف التفاح	-	олманинг ярми
ярим йил (олти ой)	-	نصف عمري	-	ёшимнинг ярми
ярим ойлик	-	نصف الدرس	-	дарснинг ярми
фикрнинг ярми	-	نصف البطيخ	-	тарвузнинг ярми
ярим француз	-	نصف الدائرة	-	ярим доира
обиноннинг ярми	-	نصف الساعة	-	ярим соат

الساعة الخامسة والنصف	-	соат беш ярим
لها طفل عمره نصف سنوي	-	Унинг ярим йиллик (олти ойлик) боласи бор
تجلس بين هؤلاء النساء الطبيبة عمرها نصفه	-	Бу аёллар орасида ўрта яшарли врач ўтирибди
يابس نصف الشجرة	-	Дарахтнинг ярми қуриган

“نصف” сўзига “-ي” нисбий сифат қўшимчаси қўшилса, “яримта” маъносини англатади:

تمثال نصفي	-	одамнинг белигача, яримта ҳайкал, бюсти
بقدر النصف	-	ярим размерда(ҳажмда)
قدح مملوء حتى نصفه بالماء	-	ярмигача сув билан тўлган стакан (қадах)
أنصاف الحلول	-	қарорнинг ярим ечими

“منتصف” – ярим, ўрта

منتصف الحياة	хҲаётнинг ярми	في منتصف أيلول	сентябрнинг ўртаси
منتصف النهار	куннинг ярми	منتصف الليل	туннинг ярми

“شبه”-ярим, ўхшаш

“شبه” сўзи ярим, ўхшаш маъноларида қўлланилади. Масалан:

شبه الجزيرة	ярим орол
أشبه من الماء بالماء	Сувнинг икки томчиси каби ўхшаш
تقع اليمن وسلطنة عمان وقطر والإمارات العربية المتحدة في شبه جزيرة العرب	Яман, Уммон Султонлиги ва БАА Арабистон ярим оролида жойлашган
تقع قطر أيضا في شبه الجزيرة	Қатар ҳам ярим оролда жойлашган

“شبه” ўзагидан “شبهة” сўзи ясалган. Масалан:

تحت الشبهة	шубҳа остида
------------	--------------

“Бу қайси фасл?” усули

Талабалар навбат билан стол устидаги ёзуви тескари қўйилган қоғозларни оладилар. Унда “ ... фасли қайси ойдан бошланади? ” деган тўрт фасл ҳақидаги саволлар ёзилган. Масалан:

Савол: Баҳор фасли қайси ойдан бошланади?	من أي شهر يبتدئ فصل الربيع؟
Жавоб: Баҳор фасли март ойидан бошланади.	يبتدئ فصل الربيع في شهر آذار

деб жавоб беради ва столнинг устидаги ёзувлар орасидан “آذار” сўзини олиб кўрсатади. Кейинги саволларга ҳам шу йўсинда жавоб берилади.

يبتدئ فصل الصيف في شهر حزيران
يبتدئ فصل الخريف في شهر أيلول
يبتدئ فصل الشتاء في شهر تشرين الثاني

Кейинги саволлар фаслларнинг нечталиги ва қайси ойлардан иборатлиги ҳақида бўлади:

من أية أشهر يتكون فصل الربيع؟
يتكون فصل الربيع من ثلاثة أشهر وهي آذارونيسان وأيار
يتكون فصل الصيف من ثلاثة أشهر أيضا وهي حزيران وتموز وآب
يتكون فصل الخريف من ثلاثة أشهر وهي أيلول وتشرين الأول وتشرين الثاني
يتكون فصل الشتاء من ثلاثة أشهر وهي كانون الأول وكانون الثاني وشباط


Жавобнинг қўйидаги 2-вариантидан ҳам фойдаланиш мумкин:

يتكون فصل الربيع من ثلاثة أشهر وهو يستمر طول أشهر آذارونيسان وأيار	Баҳор фасли уч ойдан иборат ва у март, апрель, май ойларида давом этади.
--	--

Қолган уч фасл ҳам шундай усулда баён этилади. Бу усул талабаларга 4 фасл ҳақида сўзлаб бериш кўникмаларини шаклланишига ёрдам беради.

“Йил фасллари” мавзусини ўтиш усули

Қуйида тавсия этиладиган усул мазкур мавзунини ўтишда самарали бўлади:

	Ўқитувчи расмда кўрсатилган шаклдаги доирани чизиб, уни тўрт қисмга бўлади ва ҳар бир рақамланган бўлақларга фаслларнинг номларини ёзади. Чўнтак дафтарчасига ўхшатиб тайёрланадиган ушбу кўرғазмали курулнинг устидан ёпиладиган картон қоғоздан “қопқоқ” қилинади. Керакли фаслнинг “қопқоғи” очилганда, унинг ортида шу фаслнинг хусусиятлари араб тилида баён этилган бўлади
---	---

Фаслларнинг хусусиятлари қуйидагича:

1- الربيع هو أجمل فصول السنة تذوب فيه الثلوج والجليد والأنهر والبحار. وتنهض فيه الطبيعة من نومها الشتوي وتلبس الجبال والسهول ملابسها الخضراء والنهر في شهر أيار أطول منه في نيسان.

2- الصيف على وجه العموم أطقس جميل والسماء صافية. وشهرا تموز وحزيران أكثر أشهر السنة حرارة. الصيف هو زمن العطلة السنوية لكثير الناس في بلادنا.

3- الخريف مشهور بأمطاره ورياحه وبروقه ورعوده. فيه تصفر أوراق الأشجار. في الخريف تهاجر الطيور إلى بلاد جنوبية. وهو موسم الفواكه والجو فيه معتدل. في الخريف تبتدئ الدراسة في المدارس والجامعات.

4- اما الشتاء فهو مشهور ببرده وتلوجه وفي شمال أزيكستان يبلغ الصقيع في عشرين درجة تحت الصفر. وأكثر أشهر السنة بردا هي كانون الثاني.

Мазкур усул ихчамлиги, унда ҳамма фасллар тўғрисидаги маълумотларнинг жамланганлиги билан ажралиб туради.

“Изофа бирикмаси” мавзусини ўтишда фойдаланиладиган тарқатма материаллар

Араб тилига ўргатишда изофа бирикмаси мавзуси алоҳида ўрин тутди. Бу мавзунини яхши ўзлаштириш кейинги мавзуларни тушуниб олишга имкон беради. Шунинг учун ўқитувчи мазкур мавзунини тушунтиришда турли замонавий усул ва услублардан фойдаланса, талаба учун фойдалидир.

Биз қуйида изофа бирикмаси мавзусини ўтгандан кейин уни мустақамлаш пайтида ёки синонв мақсадида фойдаланса бўладиган тарқатма материалларни эътиборингизга ҳавола этаймиз. Ҳар қандай мавзунини турли чизмалардан фойдаланган ҳолда баён этишни одат қилиб олиш зарур. Чунки, мавзуга доир сўз иборалари ёки жумлалардан олдин уни чизма шаклида бериш талабага соддароқ ва оддийроқ туюлади. Шунинг амалда кўрсатиш учун қуйидаги услубдан фойдаланишни тавсия этамиз. Бу услубда ҳар бир карточкага аввал мудоф, ундан кейин мудоф илайҳининг ўрни чизма шаклида қизил рангда белгиланади ва уларнинг устига бирлик, иккилик, кўплик деб ёзилади. Унинг остига эса топшириқлар ёзилади. Масалан:

1.

бирлик	(1) تا
مضاف إليه	مضاف

- 1) бир кишининг икки кишиси
- 2) бир кишининг икки нарсаси
- 3) бир нарсанинг икки кишиси
- 4) бир нарсанинг икки нарсаси

ولدا الرجل
كتابا المعلم
تلميذتا المدرسة
ميدانا المدينة

Ўқитувчи аввал тарқатма карточкалардаги топшириқларни мисоллар билан тушунтириб бергандан кейин уни ўқувчи-талабаларга тарқатади ва белгиланган вақтдан кейин бажарилган иш йиғиб олинади.

2.

	кўплик	бирлик
يِن -	مضاف إليه	مضاف

- 1) кўп кишиларнинг бир кишиси
- 2) кўп кишиларнинг бир кишиси
- 3) кўп кишиларнинг бир нарсаси
- 4) кўп кишиларнинг икки нарсаси

3.

	тўғри кўплик	синиқ кўплик
يِن -	مضاف إليه	مضاف

- 1) тўғри кўпликдаги кишиларнинг синиқ кўпликдаги кишилари
- 2) тўғри кўпликдаги кишиларнинг синиқ кўпликдаги нарсалари

4.

	иккилик	тўғри кўплик
يِن -	مضاف إليه	مضاف

- 1) икки кишининг кўп кишилари
- 2) икки нарсанинг кўп кишилари

5.

Синиқ кўплик	Иккилик
مضاف إليه	مضاف

- 1) синиқ кўпликдаги кишиларнинг кишилари
- 2) синиқ кўпликдаги кишиларнинг икки нарсаси
- 3) синиқ кўпликдаги нарсаларнинг икки кишиси
- 4) синиқ кўпликдаги нарсаларнинг икки нарсаси

6.

Иккилик	Иккилик
يِن، يَيْن -	مضاف

- 1) икки кишининг икки кишиси
- 2) икки кишининг икки нарсаси

- 3) икки нарсанинг икки кишиси
- 4) икки нарсанинг икки нарсаси

7.

Бирлик		Иккилик	
	يَ -		من، عن
مضاف إليه		مضاف	

- 1) бир кишининг икки нарсаси ҳақида
- 2) бир кишининг икки нарсасидан
- 3) бир нарсанинг икки кишиси ҳақида
- 4) бир нарсанинг икки нарсасидан

8.

Бирлик		Тўғри кўплик	
	يَ -		من، عن
مضاف إليه		مضاف	

- 1) бир кишининг кўп кишилари ҳақида
- 2) бир нарсанинг кўп кишиларида
бир нарсанинг м.з.даги кўп
кишиларида
- 3) бир кишининг кўп кишиларида

9.

иккилик		бирлик	
يَ -		هُ -	
مضاف إليه		مضاف	

- 1) икки кишининг бир кишиси
- 2) икки кишининг бир нарсаси
- 3) икки нарсанинг бир кишиси
- 4) икки нарсанинг бир нарсаси

10.

синиқ кўплик		бирлик	
	هُ -		
مضاف إليه		مضاف	

- 1) синиқ кўпликдаги кишиларнинг бир кишиси
- 2) синиқ кўпликдаги кишиларнинг бир нарсаси
- 3) синиқ кўпликдаги нарсаларнинг бир кишиси
- 4) синиқ кўпликдаги нарсаларнинг бир нарсаси

11.

Иккилик		Иккилик	
يَ -، يَينَ -		لَا (تا) -	
مضاف إليه		مضاف	

- 1) икки кишининг икки кишиси
- 2) икки кишининг икки нарсаси
- 3) икки нарсанинг икки кишиси
- 4) икки нарсанинг икки нарсаси

12.

Синиқ кўплик	Синиқ кўплик
مضاف إلیه	مضاف

- 1) синиқ кўпликдаги кишиларнинг синиқ кўпликдаги кишилари
- 2) синиқ кўпликдаги кишиларнинг синиқ кўпликдаги нарсалари
- 3) синиқ кўпликдаги нарсаларнинг синиқ кўпликдаги кишилари
- 4) синиқ кўпликдаги нарсаларнинг синиқ кўпликдаги нарсалари

13.

Иккилик	Синиқ кўплик
- يَنَ، - تَيْنَ	
مضاف إلیه	مضاف

- 1) икки кишининг синиқ кўпликдаги кишилари
- 2) икки кишининг синиқ кўпликдаги нарсалари
- 3) икки нарсанинг синиқ кўпликдаги кишилари
- 4) икки нарсанинг синиқ кўпликдаги нарсалари

14.

Иккилик	Тўғри кўплик
- يَنَ، - تَيْنَ	- تَاتْ
مضاف إلیه	مضاف

- 1) мен икки кишининг м.с.даги нарсаларини кўрдим
- 2) мен икки кишининг м.с.даги кишиларини кўрдим
- 3) мен икки нарсанинг м.с.даги нарсаларини кўрдим
- 4) мен икки нарсанинг м.с.даги кишиларини кўрдим

15.

Бирлик	Тўғри кўплик (м.з.)
	- و
مضاف إلیه	مضاف

- 1) бир кишининг акаси
- 2) бир қизнинг акаси
- 3) бир боланинг оғзи

- 4) бир кишининг қайнотаси
- 16.

Бирлик	Тўғри кўплик (м.з.)
مضاف إليه	مضاف من


- 1) бир нарсанинг эгасидан
- 2) бир кишининг нарсасидан هُنَّ
- 3) бир кишининг оғзидан
- 4) бир кишининг қайнотасидан

Мисоллардан кўринаяптики, берилган топшириқлар изофанинг барча турларини қамраб олган. Агар ўқувчи-талаба ушбу тарқатма материалларидан икки-уч марта фойдаланса, келажакда бу мавзудан қийналмасдан беҳато изофа бирикмалари тузиши аниқ.

“Сифатларнинг орттирма ва қиёсий даражалари” мавзусини ўтиш усули

Бу усулни дарсда қўллашдан олдин унга тайёргарлик кўриш лозим. Бунинг учун аслий сифатларнинг **فَعِيلٌ**, **فَعْلٌ**, **فَاعِلٌ**, **فَعْلٌ**, **فُعْلٌ**, **فَعْلٌ** каби колипларига мос келадиган сифатларни компьютерда катта ҳарфлар билан ёздириб тайёрлаб қўйилади. Кейин шу сифат ҳарфлар шаклига мос орттирма ва қиёсий даражалар яшаш вазнлари **أَفْعَلٌ** ва **أَفْعَلٌ مِنْ** тайёрланади. Бунда орттирма ва қиёсий даража сифатлари яшаш колиплари картон қоғоздан ясалади ва ундан сифатлар ҳарфларининг ўрни ўйиб олиб ташланади. У тешик ҳолатда қолади, чунки уни юқоридаги аслий сифатлар устига қўйилганда, унинг очиқ тешигидан сифатлар кўриниб туриши керак. Ҳамма нарса тайёр бўлгандан сўнг ўқитувчи **فَعِيلٌ** колипига тушадиган **جَمِيلٌ** сўзи устига **أَفْعَلٌ** вазнини кўяди. Бунда **أَفْعَلٌ** вазни шундай тайёрланганки, **جَمِيلٌ** сифати устига қўйилганда, сифатдаги **ي** ҳарфи вазннинг тагида қолади ва **أَجْمَلٌ** орттирма даражадаги сифатнинг ўзи кўринади. Ёки **فَاعِلٌ** колипига тушадиган **بَارِدٌ** сифатининг устига **أَفْعَلٌ** колипи қўйилганда, колип остида сифатнинг алифи беркиниб қолиб, фақат **أَبْرَدٌ** сўзининг ўзи кўринади. Шу зайлда аслий сифатлардан орттирма ва қиёсий даражалар ясалади. Лекин **جَيِّدٌ** сифатидан **أَجْوَدٌ** кўринишидаги орттирма сифат даражаси ҳосил бўлади. Сифатларнинг устига қўйиладиган қоғоз колиплар ҳар бир сифат колипига мослаб ясалади. Бунда аслий сифатлардаги ўзак таркибига кирмайдиган **و**, **ي**, **ا** ҳарфларини яшириб турадиган “тўсиқ” қилинади. Лекин таркибида 1 ва 2 ундош ҳарфли

сифатлар **أَفْعُلْ** қолипига тушмайди. Масалан: **أَفْوَى** дан **قَوِيٌّ** , **أَعْلَى** дан **عَلِيٌّ** , **أَشَدُّ** дан **شَدِيدٌ** , **أَقْلُّ** дан **قَلِيلٌ** каби орттирма сифат даражалари ясалади.



Расмдаги **يَتِيم** сифатининг устига махсус тайёрланган **أَفْعُلْ** вазни ёзилган қолип қўйилса, **يَتِيمٌ** орттирма сифат даражаси ҳосил бўлади. **أَفْعُلْ** орттирма сифат даражаси ҳосил қилувчи вазнда **يَتِيم** сифатидаги чўзиқ ёй **ي** унлисини беркитиб турувчи тўсиқ кўриниб турибди. Бошқа сифатларнинг орттирма даражалари ҳосил қилиш ҳам шу қолидага биноан амалга оширилади.

Сифатларнинг орттирма ва қиёсий даражалари биз таклиф этаётган усул билан баён этилса, талабалар бу мавзунини осонлик билан тушуниб оладилар. Унинг қулай томони шундаки, ўқитувчи ҳам, талаба ҳам вазнига тўғри келадиган сифатнинг устига орттирма ва қиёсий даражалар ясашга мослаштирилган қолипни қўйса, ё орттирма ёки қиёсий даража ҳосил бўлаверади. Бу ҳам осон, ҳам қулай усулдир.

فَعْلٌ					
Таржимаси	Қиёсий дар.	Таржимаси	Орттирма дар	Таржима	Оддий даража
яхшироқ	أَحْسَنُ مِنْ	ЭНГ ЯХШИ	أَحْسَنُ	яхши	حَسَنٌ
فَعْلٌ					
Таржимаси	Қиёсий дар.	Таржимаси	Орттирма дар	Таржима	Оддий даража
яхшироқ	أَجْوَدُ مِنْ	ЭНГ ЯХШИ	أَجْوَدُ	яхши	جَيِّدٌ
яхшироқ	أَطْيَبُ مِنْ	ЭНГ ЯХШИ	أَطْيَبُ	яхши	طَيِّبٌ
юмшоқроқ	أَلْيَنُ مِنْ	ЭНГ ЮМШОҚ	أَلْيَنُ	юмшоқ	لَيِّنٌ
ёруғроқ	أَنْيَرُ مِنْ	ЭНГ ЁРУҒ	أَنْيَرُ	ёруғ	نَيْرٌ
торроқ, зикроқ	أَضْيَقُ مِنْ	ЭНГ ТОР	أَضْيَقُ	тор, зик	ضَيِّقٌ
فَعْلٌ					
Таржимаси	Қиёсий дар.	Таржимаси	Орттирма дар	Таржима	Оддий даража
мустаҳкамроқ	أَصْلَبُ مِنْ	ЭНГ МУСТАҲКАМ	أَصْلَبُ	мустаҳкам	صَلْبٌ
ширинроқ	أَحْلَى مِنْ	ЭНГ ШИРИН	أَحْلَى	ширин	حُلْوٌ

فَعِيلٌ					
Таржимаси	Қиёсий дар.	Таржимаси	Орттирма дар	Таржима	Оддий даража
кўзи ўткирроқ	أَبْصَرَ مِنْ	ЭНГ басир	أَبْصَرُ	кўзи ўткир	بَصِيرٌ
				гўзал	جَمِيلٌ
				бахтли	سَعِيدٌ
				бахил	بَخِيلٌ
				содда	بَسِيطٌ
				етим	يَتِيمٌ
				камбағал	حَقِيرٌ
				сахий	كَرِيمٌ
				арзон	رَخِيسٌ
				азиз	عَزِيزٌ
				ажойиб	عَجِيبٌ
فَعْلٌ					
Таржимаси	Қиёсий дар.	Таржимаси	Орттирма дар	Таржима	Оддий даража
хўлроқ	أَرْطَبُ مِنْ	ЭНГ хўл	أَرْطَبُ	хўл, янги узилган	رَطْبٌ
				қийин	صَعْبٌ
				осон	سَهْلٌ
فَاعِلٌ					
Таржимаси	Қиёсий дар.	Таржимаси	Орттирма дар	Таржима	Оддий даража
мойилроқ	أَمِيلُ مِنْ	ЭНГ мойил	أَمِيلُ	мойил	مَائِلٌ
				покиза	بَاكِزٌ
				таниқли	بَارِزٌ
				шўр	مَالِحٌ
				абადий	خَالِدٌ
				мустаҳкам	ثَابِتٌ
				нордон	خَامِضٌ
				бўшашган	فَاتِرٌ
فَعْلٌ					
Таржимаси	Қиёсий дар.	Таржимаси	Орттирма дар	Таржима	Оддий даража
кучлироқ	أَقْوَى مِنْ	ЭНГ кучли	أَقْوَى	кучли	قَوِيٌّ
ойдинроқ	أَجَلَى مِنْ	ЭНГ ойдин	أَجَلَى	очиқ-ойдин	جَلِيٌّ

бойроқ	أَغْنَى مِنْ	энг бой	أَغْنَى	бой	غَنِيٌّ
			أَوْفَى	вафодор	وَفِيٌّ
			أَغْبَى	аҳмоқ	غَبِيٌّ
			أَعْلَى	юқори	عَلِيٌّ
فَعِلٌ					
Таржимаси	Қиёсий дар.	Таржимаси	Орттирма дар	Таржима	Оддий даража
бахтсизроқ	أَنْعَسُ مِنْ	энг бахтсиз	أَنْعَسُ	бахтсиз	تَعِسٌ
				ифлос	دَنَسٌ
				оғир, қийин	حَرَجٌ
				кувноқ	جَذَلٌ
				ифлос	وَسِخٌ
				чарчаган	تَعِبٌ
فَاعِلٌ					
Таржимаси	Қиёсий дар.	Таржимаси	Орттирма дар	Таржима	Оддий даража
аҳамиятлироқ	أَهَمُّ مِنْ	энг аҳамиятли	أَهَمُّ	муҳим	هَامٌ
			أَجَدُّ	жиддий	جَادٌ
			أَضَرُّ	зарарли	ضَارٌّ
			أَحَرُّ	иссиқ	حَارٌّ
			أَشَقُّ	машаққатли	شَاقٌّ
			أَمْرٌ	аччиқ	مُرٌّ
			أَحْيٌ	тирик	حَيٌّ

“Давом этинг” усули


Бунда ўқитувчи бирор сўзни уч келишикда турлашни бошлайди:

سَفِيرٌ، سَفِيرٌ، سَفِيرًا، السَّفِيرُ، السَّفِيرُ، السَّفِيرِ

Сўнгра бирдан тўхтаб бирор талабани турлашни давом эттиришга ундайди. Талаба ҳам бироз турлаб сўнгра ўзи хоҳлаган талаба-ўртоғидан давом этишини сўрайди. Бу усулни “Исмий жумла” мавзусини ўтгандан кейин мавзуни мустаҳкамлаш пайтида ишлатса бўлади.

Кейинги услубда ўқитувчи исмий жумланинг эгасини айтади, талабалар эса кесимини айтишади. Бу усул ҳам тез бажарилиши керак. Сўзларни уч келишикда турлашни такрорлашда, машқ қилишда ҳам бу усулни қўллаш мумкин. Кейинроқ, феълнинг инкорини, унинг мажхул даражасини ёки феъл майлларини такрорлашда ёки машқ қилишда юқоридаги йўлни қўллаш мумкин. М. **لن** ва **لم** юкламаларининг ишлатилиш

йўли ва ўрнини талабалар яхши эслаб қолишлари ва уни сўзлашувда қўллай олишлари мақсадида мазкур усулдан фойдаланилади.



Ушбу усулларнинг пировард мақсади кейинчалик талабалар феълларнинг тусланиш занжирини тез ва бехато бажаришларидан иборат.

ذهب يذهب ذهاب مذہوب إذهب لا تذهب لم يذهب لن يذهب ذهاب يذهب

Бундай усулни тез бажариш талабаларнинг араб тилида фикр юритиши, уларнинг мустақил мушоҳада юритишига ва ниҳоят, қоидалардан ўзларининг шахсий хулосаларини чиқаришларига ўргатади.

Арабча фикрни тезда илғаб олиш ва унга тезда жавоб қайтариш борасида малака ва кўникма ҳосил қилиш мақсадида “**Фикрни давом эт**” усули қўл келади. Бунда ўқитувчи аввал бирор ҳикояни бошлаб беради ва ўқувчини унга жалб қилади. (الذئب والخروف الصغير)

Ўқитувчи: كان في قديم الزمان خروف عطشان. وهو كان صغيرا جدا.

Салим: فذهب إلى نهر ليشرب منه الماء. وكان هذا النهر قريبا من غابة على جبل مرتفع.

Муҳаммад: فخرج من الغابة ذئب ونزل حتى جاء إلى الخروف وقال له:

Наргиза: ... أنت عكرت الماء الذي أشرب منه؟ ва ҳакозо...

Кейинчалик бу масални ролларга бўлиб, талабалар томонидан сахналаштирилиши ҳам мумкин.

А.А.Ковалёв, Г.Ш.Шарбатовларнинг “Араб тили дарслиги” да шу усулни қўлласа бўладиган кичик-кичик ҳикоялар бор. М.: “**Нحوي وملاح**”.

Муаллиф ўрнида ўқитувчи:

ركب نحوي سفينة وقال لملاح:

Носир(грамматик):

هل تعرف النحو؟

Карим(денгизчи):

قال: لا

Носир:

قال: ذهب نصف عمرك

Ўқитувчи:

فهاجت الرياح فاضطربت السفينة

Карим:

وقال الملاح: أتعرف السباحة؟

Носир:

قال: لا

Карим:

قال: ذهب كل عمرك.

Яна бир ҳикоя: “ من حفر حفرة وقع فيها ” Бу ҳикояда муаллиф, бир эркак киши ва эри вафот этган аёл киши иштирок этади.

Муаллиф: Бир киши қабр ёнида йиғлаб ўтирган аёл ёнидан ўта туриб, ундан сўради: Бу маййит сенга ким бўлади (مر بعضهم بامرأة قاعدة على قبر وهي تبكي ما) ؟ هذا الميت منك ؟

Аёл деди: Эрим. (قالت: زوجي)

Аёлга деди: Унинг иши нима эди? (قال للمرأة: وما كان عمله؟)

Аёл деди: У қабр қазир эди. (قالت: يحفر القبور)

Киши деди: Аллоҳ уни раҳматига олсин. У “Кимки бировга чуқур қазиса, унга ўзи тушади” дейилганини билмаганмиди? (أبعدہ اللہ رحمۃہ أما علم أنه من حفر) (حفرة وقع فيها؟)

Б.З.Холидовнинг “Араб тили дарслиги”даги “Ҳар вақтнинг ўз иши бор” (لكل وقت عمل), “Овчи ва айиқ” (الصيد والدب) каби ҳикояларидан ҳам шу усулни қўллаб фойдаланса бўлади. Шунингдек, ўқитувчи айтган арабча жумлаларнинг тескари маъноларини англатувчи (антоним) феъллар иштирокида гап тузиш усулини ҳам дарсда қўллаши мумкин. М:

чақалоқ кулди ضحكت الطفلة бола костюмини кийди لبس الولد بدلتہ
чақалоқ йиғлади بكيت الطفلة бола костюмини ечди نزع الولد بدلتہ

“Араб тилида ёш муносабатини англатувчи атамалар” мавзусини ўтиш усули

Ушбу мавзуни ёритишга араб тили ўқитувчилари ҳамда араб тилини ўрганаётган талабаларнинг араб тилида қўлланиб келинаётган جَـنِـيْنٌ – رَضِيعٌ – طِفْلٌ – وَلِيدٌ – صَبِيٌّ – غُلَامٌ – فَتًى – شَابٌّ – رَجُلٌ – كَهْلٌ – اِمْرَأَةٌ – شَيْخٌ – عَجُوزٌ – اَلْهَرُمُ сўзларининг ёш муносабатларини аниқлашдаги кетма-кетлиги ва уларнинг фарқларини билишга бўлган интилишлари сабаб бўлди. Дарҳақиқат, кундалик тил ўрганиш жараёнида ана шу сўзларнинг ёш муносабатлари ҳақидаги маълумотлар камлиги оқибатида уларни ишлатишда чалкашликка йўл қўйилади ёки бирининг ўрнига иккинчисини қўллаш ҳолатлари бўлаяпти. Аммо бу сўзларнинг ёш жиҳатидан кетма-кетлиги ва уларнинг фарқлари тўғрисида адабиётларда маълумот берилмаган. Шундан келиб чиқиб, биз ана шу атамаларни англатган маъноларига кўра тизимлаштиришга ҳаракат қилдик. Бунда биз 2003 йилда Мисрда чоп этилган “المعجم الوجيز مجمع اللغة العربية بالقاهرة” номли изоҳли луғатидан фойдаландик. Шу ҳаракат туфайли араб тилидаги ёш муносабатини англатувчи атамалар тўғрисида талабаларга аниқ маълумот беришда ўқитувчиларга биров бўлса-да кўмак бермоқчи бўлдик.

Ўзбек тилида она қорнидаги болани “ҳомила”, туғилгандан кейин “гўдаклик”, “чақалоқлик” ундан кейин “эмизаклик” (мурғак), “болалик”, сўнгра “ўспиринлик”, “ёшлик” (болиғлик), “қизлик”, “жувонлик”, “аёллик”, “қарилик” – кексалик давлари борлиги аниқ. Лекин ўзбек тилида ҳам инсоннинг қайси даври неча йилдан иборатлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Араб тилида инсоннинг туғилиб ўсиб, вояга етиши, қариб кексалик томон бориши масалаларига аёнлик киритиш учун Араб филологияси кафедрасида араб тилидан дарс бераётган мисрлик ўқитувчи Бадриддин ал-Хусайн Ато ёрдамида юқоридаги масалаларга аниқлик киритиш мақсадида биров изланиш олиб бордик. Ана шу изланишлар натижаси қуйидаги жадвалда берилган:

	Инсон хаёти даври номларини нг кетма- кетлиги	Таржимаси		Ёш кечади ган давр	Таржимаси		Давр нинг ўтиш мудда ти	Изоҳ
		ўзбекча	русча		ўзбекча	русча		
1.	جنين	Ҳомила	Эмбрион, зародыш	Ҳоми- лалик			9 ой	
2.	رضيع	Гўдак, мурғак,	Грудной ребёнок, сосунок	ولدة	Болалик	Детсво	1 ёш	
	رضيعة	чақалок эмизакли	Грудная девочка					
3.	طفل	Ёш бола	Грудной ребёнок, дитя	طفولة	Болалик	Младенч ество, детство	3ёшга ча	
	طفلة	Ёш қизалок	Девочка					
4.	وليد	Бола	Ребёнок, дитя	ولودية	Болалик	Ребятчест во	14ёшг ача	
	وليدة	Ёш қизча	Девочка, детище					
5.	صبي	Ўспирин	Мальчик, юноша	صبوة	ўсмирлик	Юношес тво	14-17 гача	
	صبية	Ёш қиз	Девочка, молодая девушка					
6.	غلام	Ёш йигит	Мальчик, юноша, парень	غلامة	Йигитлик	Юность отрочест во	17-20	صبي غلام дан катта- роқ ва у болиғ ёшигача давом этади
7.	فتى	Болиғ	Юноша, молодой человек	فتوة	Болиғлик	Юность моло- дость	18-25	
	فتاة	Балоғатга етган қиз, бокира	Девушка					
8.	شاب	Йигит	Молодой человек, юноша	شبيبة	Йигитлик (навқиро н) даври	Молодос ть, юношест во	30ёш гача	
	شابة	Жувон (турмушда ги аёл)	Девушка		Қизлик даври			
9.	إمرأة، امرأة	Аёл	Женщина, жена	مرحلة نسائية	Аёллик даври	Женский период	30-50	
10.	رجل	Эркак киши	Мужчина, муж	رجولة	Ўрта ёшлик	Возмужа лость, мужеств енность	30-50	
	كهل	Ўрта ёш	Взрослый, возмужал	كهولة	Ўрта ёшлик	Возмужа лость	30-50	

			ый					
11.	شيخ	Қари чол	Старик, старец	شيوخة	Қарилик	Старость, престарелость	70дан юқори	
	شيخة	Қари кампир	Старуха		Қарилик			
12.	عجوز	Қари	Старый, старая		Қарилик		80дан кейин	
13.	الهرم	Кекса	Дряхлость, старческая слабость		Кексалик даври	Старческий период	90дан юқори	شيخ الهرم дан катта бўлиб, ҳассада юради

“Танлов” усули

“Танлов” усули ўқувчи-талабалар олдига қўйилган муаммоли масалаларга энг оптимал йўл билан жавоб топишга, тўғри қарор чиқаришга ўргатади. Ҳанузгача талабалар орасида берилган жавоблардан энг мосини, тўғриси танилашга иккиланадиганлари топилиб туради. Мазкур усул мунтазам қўлланиб борилса, талабаларда бу соҳада муммолар камаяди ва натижада уларда масалаларни ҳал этишда тўғри йўлни танилашларида малака шаклланади. Масалан, уй, ёввойи, сув ҳайвонлари, қуш ва ҳашоратларнинг номлари аралаш берилган жадвалдан уларнинг турларини алоҳида-алоҳида ажратиб ёзиш анча мураккаб иш ҳисобланади, лекин талабага бундай танлашдаги қийинчиликларни бартараф этиш малакаларини ўқитувчилар шакллантириши лозим. Мазкур усулларга доир берилган кейинги машқлар ҳам ана шундай мураккабдир. Уларга тўғри жавоб бериш учун талабалар у ердаги сўзларни ёд олган бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам араб тили ўқитувчилари мазкур синалган усулдан унумли фойдаланиб боришлари тавсия қилинади. Бунда ўқувчи аралаш берилган сўзларнинг орасидан аниқ йўналиш бўйича сўзларни танлаб ёзади. Мазкур усул ўқувчиларнинг сўз бойликлари кўпайишига ёрдам беради.

“Танлаш” усулини қўллаш натижасида олинган малакалар талабаларнинг келажакдаги реал ҳаётларида ҳам асқотиши мумкин.

“Иш-ҳаракат”, “вақтинчалик ҳолатни” ва “доимий сифатини” (хусусиятини) англатадиган феълларни маънолари бўйича териб ёзинг

دخل	عمل	ذهب	جمل	فهم	كتب	ضحك	وعد
جلس	سأل	جهل	ركب	درس	نظر	سمع	حضر
سمح	رجع	ذكر	فتح	فصح	قرأ	شرب	علم
صغر	لعب	مرض	كبر	لبس	حسن	فرح	قرب
Доимий сифат (хусусият)ни билдирувчи			Вақтинчалик ҳолатни англатувчи			Иш-ҳаракатни билдирувчи	

--	--	--

Уй, ёввойи, сув ҳайвонлари, қушлар ва ҳашаротларнинг турлари бўйича номларини ёзинг.

أسد	سمك	كلب	عنكبوت	دب	حوت	طاوس	ذئب
سبع	إبل	ثور	نحلة	ديك	جرادة	حمار	غراب
ثعلب	دجاجة	كركدان	ذباب	سرطان	دودة	قرش	نسر
عندليب	طوطي	بطة	برغوث	نمر	شلهفأة	حمامة	بقر
خفاش	فيل	شاة	غنم	دلفين	كراكي	معز	قرد
فراشة	جعل	صرصور	نحلة	دفع	قطه	هرة	قنفذ
Сув хайвонлари	Ҳашаротлар	Қушлар	Ёввойи хайвонлар	Уй хайвонлари			

Мутахассисликлар йўналишлари бўйича сўзларни ажратиб ёзинг

حارس	مهندس	فنان	مدرس	مخرج	نقاش
جراح	مصور	حمال	ممسد	ممثّل	استاذ
لحام	كهربائي	مصمم	دهان	طبيب	مفتش
مرب	حجار	سائق	حداد	نجار	إطفائي
اقتصادي	عميد الكلية	مدير المدرسة	معماري	رسام	بقال
Бозор	Театр	Институт	Мактаб	Завод-фабрика	Шифохона

“Уй жиҳозлари”га доир сўзларни хоналар бўйича бўлиб ёзинг

صحن	ساعة منبه	حمام	غرفة استقبال	كوب	قدح	مرآة
-----	-----------	------	--------------	-----	-----	------

كأس	اريكة	شماعة	مشجب	معجون الاسنان	ستارة	سطل
صابون	صورة	شوكة	سرير	منشفة	مقعد	مكنسة
قدر	لحاق	مشط	سكرية	دلو	سجادة	بساط
شامبو	كرسي	ملعقة	طنجرة	غرفة النوم	مغسلة	مفتاح
فرن	مملحة	حنفية	وسادة	طاس	منضدة	ابريق

Ошхона	Уйқу хонаси	Ювиниш хонаси	Меҳмонхона

Машина, асбоб, техника, электр ускуналарини англатган сўзларни
маънолари бўйича ажратиб ёзинг

سيارة	مسمار	هوائي	جهاز فيديو	كابينة	مثقاب	جهاز تسجيل
عجلة	مفتاح ربط	خلاط	شريط	جناح	عتلة	مسجل
مجرفة	مذراع	كمبيوتر	مقود	مطرقة	غسالة	حاسب
مبرد	تلفزة	بريزة كهرباء	فرملة	منشار	سماعة	محرك
هاتف	مقص	شاشة	مفك	هاتف محمول	برينتر	مقبض
آلة التصوير	زرادية	فأس	مسحاج	فرامة لحم	تلفاز	مكواة
Электр ускуналари	Техника	Уй асбоблари	Машина			

Озиқ-овқат, гўшт, сут, ун маҳсулотлари, ичимликлар ҳамда
ширинликларга доир сўзларни ажратиб ёзинг.

حَلِيبٌ - لَبَنٌ	بِسْكُوِيَّتْ	مَقْرُونَةٌ	كَعْكَةٌ	زُبْدَةٌ طَازَةٌ	عَرَقٌ
مِلْحٌ	فَطِيرَةٌ	لَحْمٌ بَقَرٍ	سُجُوقٌ	زَيْتٌ	عَسَلٌ

بَيْضٌ	كَعْكَةٌ	بُوظَةٌ	خُشَافٌ	زُبْدٌ	سَمَكٌ
بَيْضٌ مَقْلِيٌّ	جُبْنٌ	مُرَبَّى	مُعَلَّبَاتٌ	طَعَامٌ أَكْلِيٌّ	رُقَاقٌ
شَايٌ	سَلَاطَةٌ	خُبْزٌ	مُلَبَّسَةٌ	كَكَأُو	نَبِيذٌ
حَلَاوَةٌ	حَلِيبٌ مُكْتَفٌ	رَغِيفٌ	فَهْوَةٌ	عَصِيدَةٌ	مُرَبَّى
سُكَّرٌ	نَقَانِقُ	أَرُزٌ بِلَحْمٍ	لَحْمٌ ضَائِنٌ	كُفَاسٌ	أَلْيَةٌ غَنِمٌ

Гўшт маҳсулот- лари	Сут маҳсулот- лари	Ун маҳсулотлари	Ичимлик	Ёғ	Ширинлик- лар	Овқатлар

Ўсимлик, мева, сабзавотлар ва дон маҳсулотларига оид сўзларни йўналишлар бўйича ажратиб ёзинг:

عَنْبٌ	نَخْلَةٌ	لَيْمُونٌ	فُلْفُلٌ	خِيَارٌ	أَنَانَسٌ
مِشْمِشٌ	بَصَلٌ	ذُرَّةٌ	كُرْنَبٌ	قَمْحٌ - حِنْطَةٌ	تَيْنٌ
فَاصُولٌ	طَمَاطِمٌ	كُمَّثْرَى	بَطَاطِسٌ	بَرْفُوقٌ	رُمَانٌ
رُطْبٌ - تَمْرٌ -	فِجْلٌ	حِمَصٌ	كَرَاوِيَّةٌ	كَرَزٌ	بُرْتُقَالٌ
خَوْخٌ	ثُومٌ	تَفَّاحٌ	شَمَامٌ	أَرُزٌ	شَعِيرٌ
كَبْشٌ	عِنَبُ الثَّغَلَبِ	كَرَزٌ	تَوْتُ الْأَرْضِ	جَوْزٌ	مَوْزٌ
بَلَحٌ	بَطِيخٌ	قَرَعٌ	خُضْرَةٌ	زَيْتُونٌ	سَفَرْجَلٌ

Ўсимлик	Мева	Сабзавот	Дон маҳсулотлари	Цитрус

Бундай дидактик тарқатма карточкалар тайёр бўлгандан кейин уни целлофан материал билан ўралса, унга ўқувчи жавобни ручка билан белгиласа ҳам, уни нам латта билан ўчириб, ундан бир неча марта фойдаланса бўлади.

“Чархпалак” усули

Қуйидаги арабча сўзларга чап томондан мос сўзларни топниг сўнгра рўпарасига плюс (+) белгисини қўйинг:

		ناصح	التقى	تربط	مرافق له	بوره	رجو	اعم	منتجع	جولة	مؤفر	استقبل	أفرا	انزاب
1.	Саёҳат, турне													
2.	Сўрашмоқ													
3.	Кутиб олмоқ													
4.	Боғлайди													
5.	Ўз пайтида													
6.	Кўллаш, таянч													
7.	Дам олиш жойи													
8.	Бор, сероб, қўп													
9.	Унга ҳамроҳ													
10.	Кутиб олмоқ,													
11.	Яқинда													
12.	Иш ташлаш													
13.	маслаҳатчи													

Берилган феъл бобларининг маъноларига мос бобларини топинг

№	Бобларнинг маънолари	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
1.	Ҳаракат номлари	+		+					+		
2.	Вактинчалик ҳолатни билдиради	+			+			+	+		
3.	Ўтимлиликни билдиради	+	+								
4.	Микдор ёки сифатни билдиради	+									
5.	Кучайтиришни билдиради		+								
6.	I боб ўтимсиз феълни ўтимлига айлантиради		+		+						
7.	Оргторма нисбатга айланади		+		+						
8.	I боб иш-ҳаракат мавжуд ҳисобланади		+	+	+	+	+	+	+		+
9.	Предмет шаклига киришини билдиради		+		+						
10.	II бобнинг ўзлик мажхуллик нисбатини билдиради					+					
11.	Бирон иборани талаффуз қилишни билдиради		+			+					
12.	Шу бобнинг маъноларига тўғри эмас (фақат луғатга қаралади)		+	+	+	+					
13.	Географик ном англатган томонга йўл олишни			+	+	+					
14.	Икки шахс орасидаги муносабатни билдиради			+			+		+		
15.	Бирор ҳаракатни бажаришга интилишни			+							
16.	I боб билдирган маъно бирор кишига нисбатан амалга ошириш маъносини			+							
17.	Иш ҳаракат кўпчилик томонидан бажарилади					+					
18.	Иш-ҳаракатни бажаришда тадрижийликни						+				
19.	I боб маъносини ўзи амалга оширган деб кўрсатади					+	+				
20.	I боб феълнинг ўтимсиз ёки ўзлик-мажхуллик нисбатини билдиради							+	+		
21.	I боб феъли маъносини гапирувчи ўзини кўзлаб бажарганлигини билдиради								+		+
22.	I боб феъли ифодалаган иш-ҳаракатни бажаришда илтимос қилиш, қидириш, етишиш маъноларини										+
23.	IV бобнинг ўзлик-мажхуллик нисбатини билдиради										+
24.	От билдирган мансабга тайинлашни билдиради										+
25.	أفعل вазнидаги рангни ёки жисмоний камчиликларни билдирадиган исмлардан феъл ясалади									+	
26.	Предмет англатган шаклга кириш ёки унга ўхшашликни										+
27.	Иш-ҳаракатни бажаришда саъй-ҳаракат қилиш, мусобақалаш, рақобатни			+							
28.	Талаб қилиш, феъл ўзаги англатган маънога эришиш										+
29.	Бирор кишини феъл ўзаги англатган маънога эга деб,										+

	хисоблашни												
30.	Ўзини айёрликка солишни						+						
31.	Отдан феъл ясайди		+				+			+			+
32.	харфлари билан бошланган феъллардан қайси боб феъли ясалмайди?								+				
- (11) اطلب الرفيق قبل الطريق و الجار قبل الدار.
- (12) ان للحيطان آذاناً.
- (13) لا تؤخر عمل اليوم لغد.
- (14) ان الجواد قد يعثر.
- (15) من اكل البيضة فقد اكل دجاجة.
- (16) الوقاية خير من العلاج.
- (17) الادب مال و استعماله كمال.
- (18) كل طير يستلذ صوته.
- (19) من كثرة الملاحين غرقت السفينة.
- (20) العلم في الصغر كالنقش في الحجر.



Ноанъанавий дарслар

“Ноанъанавий” сўзи аввалдан ишлатилиб келинаётган “анъанавий” – “эски услуб”даги сўзга нисбатан олинган. “Анъанавий” дарс – эски усулга асосланган таълим йўналиши бўлиб, унда асосан эскича услубдан фойдаланиб дарс ўтилган. Ноанъанавий дарс деганда, ҳозирги замон дарс бериш талабларига жавоб берадиган, анъанавий дарс бериш усулларида ҳоли ҳисобланган, фақат замонавий ноанъанавий усул ва услублардан фойдаланган ҳолда ўтиляётган дарс тушунилади. Ноанъанавий дарсда асосан янги технологик усуллар қўлланилади.

“Пресс – конференция” дарси

“Пресс – конференция” дарси – бу замонавий дарс бериш усулларида бири бўлиб, у оммавий ахборот воситаларининг роли, мавқеи ўсиши билан боғлиқ бўлган усулдир.

“Пресс – конференция” дарси бирор машҳур инсон билан учрашув ёки бирор муҳим воқеага бағишлаб ўтказилади. Бунда журналистлар билан бўладиган “Пресс – конференция”ни олиб боровчи ролини талаба ўйнайди. Қолган талабалар эса, журналистлар ролини ўйнайдилар. Биз қуйида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавкулудда ва мухтор элчиси Надия Каффафий хоним “иштирок этган” “Пресс – конференция” сценарийсини эътиборингизга ҳавола этамиз. Элчи хоним ролини 3-курс талабаси Дилафруз Абдуллаева ўйнади. “Пресс – конференция” дарси ўтказиладиган хона Миср Араб Республикаси ва Ўзбекистон Республикаларининг давлат байроқлари, икки дўст давлатнинг хариталари, расм, плакатлар билан безатилади. Мазкур дарсни араб тили ўқитувчиси очиб беради. У Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дўстлик алоқаларининг узоқ тарихга бориб тақалиши, бу дўстона муносабатларнинг бошланишига юртдошимиз Ал-Фарғоний асос солганлиги ҳақида сўзлаб беради. Шундан сўнг толиба Умида Икромова Мисрлик элчи жаноби олияларига қарата табрик сўзларини айтади. Шундан сўнг “Пресс – конференция” дарсининг асосий қисми бошланади. Элчи хоним “Пресс – конференция” дарсига таклиф этилганлиги учун дарсни уюштирган араб тили ўқитувчисига ва кафедра аъзоларига ўзининг миннатдорчилигини билдиради. Аудиторияда ўтирган барча талабалар муайян газета, радио, телевидение эшиттиришлари ёки кўрсатувлари мухбирлари ролини ўйнайдилар. Буни уларнинг костюмларидаги ёзувлардан аниқлаш мумкин: Уларнинг кўкракларида “Халқ сўзи” мухбири, “Ўзбекистон” телеканали мухбири, “Пойтахт” радиоси мухбири, “Жаннатмакон” журнали мухбири каби ёзувлар ёзилган (бирка) танитувлар тақилган. Танитувдаги ёзувлардан намуналар:



Ўзбекистон ва Миср давлатлари ўртасидаги сиёсий – иқтисодий алоқаларга доир саволларни мухбирлар элчига бера бошлайдилар. Араб тилида берилган саволларга элчи хоним ролини бажарувчи толиба ҳам араб тилида жавоб қайтаради. ОАВ мухбирлари томонидан 2-3 мартадан берилган саволларга жавоб олингандан кейин бир толиба Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси сифатида фаолият кўрсатаётган элчи хоним жаноби олияларига талаба ва ўқитувчилар номидан миннатдорчилик билдиради. Бундай дарсдан кейин унинг таҳлили ўтказилади. Ўқитувчи бу дарсда фаол иштирок этган талабаларга миннатдорчилик билдиради ва уларни рағбатлантиради.

Бундай тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш мураккаб иш. Лекин бундай дарслар талабаларга араб тилида фикр юритишга, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мавзуларда мушоҳада юритишга ўргатади. Талабаларда араб тилида сўзлашишда мавжуд психологик барьер – тўсиқни бартараф этишга ва араб тилида эркин сўзлашув борасида малака ва кўникма ҳосил бўлишига ёрдам беради. Талабаларнинг анъанавий дарсга қараганда бундай ноанъанавий дарсларга муносабати ижобий бўлади ва бу дарсни узоқ эслайдиган бўладилар.

“Саломнинг файзи” дарси

Авваламбор араб тили ўқитувчиси қолаверса, ундан таълим олаётган ўқувчи-талабалар салом бериш қоидаларини яхши билишлари ва бошқаларга ҳам уни тўғри тушунтира билишлари зарур. Шу мақсадда араб тили дарсларининг бирини «Саломнинг файзи» деб номлаб, унда ўқувчи-талабаларга Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдаги салом бериш ва саломга алик олиш хусусида айтилган ҳикматли сўзларни изоҳлаб ва таржима қилиб, тушунтириб бериш фойдадан ҳоли эмас, чунки араб тили мутахассиси бўлиб етишгандан кейин, ундан шу соҳадаги кўп нарсаларни билади деган фикр билан кишилар саволлар билан унга мурожаат қилишлари мумкин. Бундай пайтда сўраганлар олдида мулзам бўлиб қолмаслик учун куйидаги ҳадисларни билиб олиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади. Биринчи дарсда ўқитувчи томонидан юқорида баён этилган маълумотлар ўқувчи-талабалар эътиборига етказилади. Дарснинг охирида ўқувчиларга ҳаётимизда қўлланиб келинаётган саломларнинг турлари (кундалик ишлатиладиган саломлар, келин салом, хат ёзгандаги дуои салом) ҳақида мустақил фикрларини баён этиб ёзиб келишлари вазифа қилиб берилади. Қуйида ҳадисдан олинган салом ҳақидаги ҳикматли сўзлар берилади:

قال النبي (ص): لا تبدئوا بالكلام قبل السلام!	-Саломсиз сўз бошламанг!
قال النبي (ص): السلام اسم من أسماء الله تعالى فافشوه بينكم!	-Салом Аллоҳнинг гўзал исмларидан биридир, уни бир-бирларингизга

	<i>айтиб юринг!</i>
قال النبي(ص): إذا التقى المحبان اقربهما إلى الله من ابتداء بالسلام!	<i>-Биринчи бўлиб салом берган киши Аллоҳ ва унинг Расулига яқинроқдир.</i>
قال النبي (ص) من بدئكم بالكلام قبل السلام فلا يجيبوا!	<i>-Салом бермаган кимсага жавоб ҳам берилмайди.</i>
قال النبي (ص): إذا دخلتم في المسجد فسلموا وإذا خرجتم فسلموا!	<i>-Масжидга кираётганда ҳам, чиқаётганда ҳам, салом беринг!</i>
قال النبي(ص): رأس التواضع من بدء بالسلام!	<i>-Салом-камтарликнинг бошидир.</i>
قال النبي(ص) أبخل الناس من بخل بالسلام!	<i>-Саломлашганда бахиллик қилган киши одамларнинг энг бахилидир.</i>

“Аввал ўйла, кейин сўйла” ўйин дарси (Мушоҳада қилиш учун топишмоқлар)

Бунда ўқитувчи томонидан тарқатилган карточкалардаги топишмоқларга жавобларни ўқувчилар 2-3 гуруҳга бўлиниб топадилар. Бу ўйин ўқувчиларни гуруҳ бўлиб бирлашиб ишлашга, муаммоларни бирга ҳал этишга ўргатади. Биз қуйида талабаларнинг идрок этиш – мулоҳаза юритиш кўникмалари шаклланганлигини текшириш мақсадида ўзбек тилида топишмоқлар бераяпмиз. Араб тили ўқитувчиси уларни араб тилига таржима қилиб талабаларга тарқатади.

1. Стол устида 6 та лимон, 7 та апельсин ва 8 та мандарин бор. Бу ерда нечта нордон мева бор;
2. Столнинг устида 7 та киви, 5 та ананас, 6 та олма бор. Столда нечта ҳидли мева бор;
3. Дарахтда 4 та булбул, 3та чумчуқ ва 7та қарға бор. Сайрайдиган куш нечта;
4. Гуллар устида 7 та ари, 5та капалак ва 6та қўнғиз бор. Нечта чақувчи ҳашарот бор;
5. Дастурхонда 2кг банан, 1,5кг ананас ва 1кг киви бор. Дастурхондаги қайси мевалар Ўзбекистонда ўсмайди.
6. Стол устида 3та арра, 2та парма, 5та миқ бор. Нечта тешувчи асбоб бор;
7. Папкада 4та қаламдон, 5та дафтар, 3та чизғич бор. Папкада нечта қоғоздан қилинган ўқув куроли бор;
8. Столда 2та олма, 3та шафтоли, 3та лимон бор. Столда нечта сариқ мева бор;
9. Синфда Муҳаммад, Рашид, Маҳмуд ўтирипти. Рашид ўрнидан турди, нечта ўқувчи қолди;
10. Хонада 5та стол бор. Уларнинг оёғи нечта;
11. Гул вазасида 3та қизил, 4та сариқ, 2та оқ гул бор. Шамол вазани ағдариб юборди. Вазада нечта гул қолди;
12. Саватда 6та киви, 5та банан ва 4та ананас бор. Бу ерда нечта яшил мева бор;

- 13.Тарелкада 3та апельсин, 4та ананас, 5та банан бор. Тарелкада нечта узун мева бор;
- 14.Синфда 13 нафар студент бор. Икки нафари кетди, нечта студент қолди;
- 15.Аудиторияда 9 нафар ўқувчи бор. Яна 6 нафар келиб қўшилди. Нечта ўқувчи бўлди;
- 16.Идишда 5та маккажўхори, 4та пиёз, 6та картошка бор. Идишда нечта донли сабзавот бор;
- 17.Аудиторияда 5 нафар 4-курс, 2 нафар 3-курс талабаси ва 5 нафар магистр бор. Аудиторияда нечта бакалавр бор;
- 18.Ҳайвонот боғида 6та шер, 3та тустовук, 8та маймун ва 9та туяқуш бор. Ҳайвонот боғида нечта ваҳший ҳайвон бор.

Шунингдек, ўтилган мавзу кулгили ҳолатни келтириб чиқарадиган маънога яқин бўлса, унда ҳазил-мутойиба шаклидаги муҳовара (суҳбат-диалог) тайёрлаб келиш ўқувчиларга вазифа сифатида уйга берилади.

**Талабаларнинг араб мамлакатлари тўғрисидаги
билимларини синаш усуллари**
Араб давлатларининг ўзига мос пойтахти ва пул бирлигини аниқланг

	<i>Давлатлар</i>	<i>Рақам ўрни</i>	<i>Пойтахти</i>	<i>Рақам ўрни</i>	<i>Пул бирлиги</i>
1.	БАА		Ар-Риёд		динор
2.	Иордания		Дамашқ		риёл
3.	Баҳрайн		Могадишо		франк
4.	Тунис		Бағдод		дирҳам
5.	Жазоир		Морони		риёл
6.	Жибути		Доҳа		динор
7.	Судан		Ал-Кувайт		риёл
8.	Сурия		Тунис		Иордания динори
9.	Саудия Арабистони		Байрут		динор
10.	Сомали		Триполи		шиллинг
11.	Ироқ		Сана		лира
12.	Уммон Султонлиги		Абу-Даби		динор
13.	Фаластин		Ал-Қоҳира		лира
14.	Қамар ороллари		Нуакшот		жунайҳ
15.	Қатар		Работ		динор
16.	Кувайт		Жазоир		франк
17.	Ливан		Жибути		укия
18.	Ливия		Уммон		дирҳам
19.	Миср		Маскат		динор
20.	Марокаш		Хартум		риёл
21.	Мавритания		Манама		динор
22.	Яман		Ал-Қуддус		динор

من المعلوم أن الإمارات العربية المتحدة تتكون من سبع إمارات،
وماذا هي تعني بالأوزبكية؟

	Катта булоқ	Чодирнинг жойи, боши	Шу қабиланинг номи	Икки чўлнинг онаси	Шарқ, Ғарбда Шаржа	Ғуббадан янги чиққан чигиртка	Кийик отаси
أبو ظبي							
دبي							
الشارقة							
أم القيوين							
أجمن							
رأس الخيمة							
الفجيرة							

Араб мамлакатларига мос пойтахтларини топинг

	مسقط	الرياض	صنعاء	نواكشوط	تونس	الجزائر	طرابلس	القاهرة	أبو ظبي	الدوحة	المنامة	الكويت	بغداد	عمان	دمشق	القدس	بيروت	الخرطوم	موروني	جيبوتي	مقدشو	الرباط
موريتانيا																						
المغرب																						
تونس																						
الجزائر																						
ليبيا																						
مصر																						
السودان																						
جيبوتي																						
الصومال																						
السعودية																						
اليمن																						
سلطنة عمان																						
الإمارات																						
قطر																						
البحرين																						
الكويت																						
العراق																						
فلسطين																						
السورية																						
لبنان																						
جزر القمر																						
الأردن																						

“Буни билиб қўйган яхши”

Маълумки, **اثان واثتان** сонлари “иккита” маъносида ишлатилади. Лекин ундан ташқари яна **كلتا**, **كلا** сонлари ҳам “иккаласи” маъносида ишлатилади. Улар қуйидаги маъноларга ва хусусиятларга эга:

Китобнинг мазкур бобида биз араб тили дарсликларида баъзи долзарб ҳисобланган мавзулар тўғрисида кам ва қисқа маълумот берилганлиги сабабли уларни янги маълумотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилдик.

1. Улар бирикувчи олмошлар билан ёки изофанинг музофи бўлиб келиши мумкин. **كلاهما سالمان** – “унинг иккаласи соғ”, **كلا الطالبين** – иккала студент.

2. Бу сонлар ўзидан кейин келадиган сўз билан жинсда ва сонда мослашади.

Иккала артист – **كلا الفنانين**

Иккала артистка – **كلتا الفنانتين**

3. Иккаласи ҳам икки келишида турланади.

Б.К. **كلتا**

Қ.К., Т.К. **كلتي**

من كليته – иккаласидан.

Иккита қўшиқчилардан – **من كلتي المغنيتين**

4. **كلتا** сонлари маълум – аниқ кишилар ёки нарсалар ҳақида гап кетганда ишлатилади.

Мен кеча иккита (аниқ) зиёратчиларни кўрдим – **رأيت أمس كلي الزائرين**

Мен кеча (қандайдир) зиёратчиларнинг иккитасини кўрдим

– **رأيت أمس اثنتين من الزوار**

Бизнинг фикримизча, бир вақтлар бу сўзлар **كلان** ва **كلتان** кўринишида турган бўлиши мумкин. Фикримизча, йиллар ўтиб “нун” ҳарфи тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

Баъзан ўқувчи-талабалар охири **ات** билан тугаган муаннас жинсдаги тўғри кўпликдаги сўзлар билан охири **ات** билан тугаган синиқ кўпликдаги сўзларнинг эъробини аниқлашда қийналадилар. Улар масалан, **وقت** ва **صوت** сўзларининг синиқ кўпликдаги **أوقات** ва **أصوات**, **بقرة** ва **وردة** сўзларининг **بقرات** ва **وردات** бўлишини биладилар. Лекин бунга ўхшаган сўзлар жумлаларда келганда ёки уларга бирикма олмошлари қўшилганда чалкашликларга йўл қўядилар. Бунинг сабаби юқоридаги синиқ ва тўғри кўпликларни бир-бирларидан ажрата олмасликларидир. Масалан, ” Улар (м.с.) улар (м.с.)нинг овозларини эшитдилар ” **سمعن أصواتهن** жумласидаги **اصواتهن** изофасидаги **ت** (та мамдуда)ни тўлиқ кўпликнинг **ات** қўшимчаси деб ўйлаб, **ت**га касра ҳаракатини қўядилар. Аслида **أَصَوَاتُهُنَّ** бўлиши керак, чунки бу иборадаги **ت** ҳарфи **صوت** сўзининг ўзак ҳарфидир. Буни исботлаш учун қуйидагини эслаб олиш керак.

Б.К.	صوتٌ	أصواتٌ	وقتٌ	أوقاتٌ	بقرةٌ	بقراتٌ
Қ.К.	صوت	أصوات	وقت	أوقات	بقرة	بقرات
Т.К.	صوتاً	أصواتاً	وقتاً	أوقاتاً	بقرة	بقرات

Шунинг учун **سمعن أصواتهنَّ**, **رأى بقراته** бўлади.

Иш-ҳаракат бевосита ўтадиган объект тушум келишигида туради ва у воситасиз тўлдирувчи дейилади. Ўзи билан воситасиз тўлдирувчи олиб келган феъллар ўтимли феъллар дейилади. Баъзи феъллар ўзи билан бир

эмас, балки иккита воситасиз тўлдирувчи олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда иккита тўлдирувчининг бири шахсни, иккинчиси эса нарс-предметни англатади. Бунда феълга қўшилган бирикувчи олмошнинг шахси **أعطى** га қўшилган бирикувчи олмош шахсидан кичик бўлиши керак. М: **الطبيب المريض أكل اللحم** – у талабага китобни берди. **الطالب الكتاب** – у талабага китобни берди. **حرم الطبيب المريض أكل اللحم** – врач касалга гўшт ейишни тақиқлади.

Маълумки, II ва IV боблар I-бобдаги ўтимсиз феълни ўтимли феълга, ўтимли феълни эса икки марта ўтимли феълга айлантиради.

билдирмоқ I علم – IV أعلم	ўргатмоқ II علم - I علم	бермоқ IV أعطى - I عطى
----------------------------------	--------------------------------	-------------------------------

Баъзан шундай бўладики, ўтимли феъл қошидаги объектни кишилик олмошлари англатиши мумкин, бунда феълга қўшиладиган иккита бирикувчи олмошнинг биттасини ажратиш учун **إيا** олмош-юкламасидан фойдаланилади. Масалан: **أعطاني إياه** - у менга уни берди

Боб	Иккита воситасиз тўлдирувчининг бирга келишига мисоллар		Иккинчи воситасиз тўлдирувчининг алоҳида келишига мисоллар	
I	منحة جائزة	У уни совға билан тақдирлади	منحة إياها	У уни у билан тақдирлади.
II	سلمة صحيفة	У унга газетани топширди	سلمة إياها	У унга уни топширди.
II	علمه درساً	У унга дарсни ўргатди	علمه إياه	У унга уни ўргатди.
IV	أدخله البيت	У уни уйга киргизди	أدخله إياه	У уни унга киргизди.
IV	أعلمه خبراً	У унга хабарни етказди	أعلمه إياه	У унга уни етказди.
IV	أشربه الماء	У уни сув билан суғорди (ичирди).	أشربه إياه	У унга уни ичирди.

إيا юкламасига бирикувчи олмошларнинг қўшилиш жадвали

Кўплик	Иккилик	Бирлик	Шахслар
إيانا бизни	إيانا	إياي мени	I шахс м.з, м.с.
إياكم сизни	إياكما сен иккалангни	إياك сени	II шахс м.з, м.с.
إياكن сизни	-	إياك сени	
إياهم уларни	إياهما у иккаласини	إياه уни	III шахс м.з, м.с.
إياهن уларни	-	إياها уни	

إيا олмоши ҳаракат объекти маъносида алоҳида сўз шаклида келади ва унга бирикувчи олмош қўшилади.

Бу олмошлар қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

- агар у феълдан олдин келиб олмошни таъкидласа,
إياك نعيد وإياك نستعين – Сенгагина ибодат қиламиз, Сендангина ёрдам (нажот) сўраймиз.
- агар бир хил шаклдаги иккита олмош кетма-кет келиб қолса,
أعطيتك إياه – мен уни сенга бердим. **أعطوني إياه** – уни менга беринг.
- чеклов юкламасидан кейин келса,
ما ضرب إلا إياكم – у фақат сизни урди.
- ўзи алоҳида сўз бўлиб ишлатилганда эҳтиёткорлик маъносини англатади.

А) алоҳида м: **إياك** – эҳтиёт бўл.

Б) **أَنْ** юкламаси феъл билан келганда М: **إياك أَنْ تفعل ذلك** – бу (иш)ни қилишдан эҳтиёт бўл.

В) **و** боғловчиси (**واو المعية**) билан биргалик маъносида. Бунда **و** дан кейинги сўз тушум келишигида туради. **إياك وهذا الرجل** – бу кишидан эҳтиёт бўл.

Баъзан **و** боғловчиси тушиб қолиши мумкин ёки **من** предлоги билан ҳам келиши мумкин. **إياك من الشر** ёки **إياك الشر** – ёмонликдан сақлан.

5) феълдан кейин иккита бирикувчи олмош кетма-кет келганда, уларнинг биттаси **إيا** га қўшилиб келади. **تَعْطِينِي إِيَّاهُ** ўрнига **تَعْطِينِي** “сен (м.с.) менга уни берасан” бўлади. Сифатдош ва масдарларга ҳам бирикувчи олмошлар шу тартибда қўшилади. **إكرامي إياكم** – менинг сизга ҳурматим.

Шу билан бирга араб тилида ўрин ва пайт ҳолини ва воситали тўлдирувчини англатадиган сўзлар ёзилишига кўра бир-бирига ўхшаб кетади. Уларни фарқлаш учун қуйидагиларни билиб олиш зарур. Объект каттароқ алоҳида жой (бозор, майдон, боғ, магазин ва б.) ва пайтни, ҳолатни билдириб, қаерда, қаерга, қаердан, қачонга, қачон, қачондан? сўроқларига жавоб бўлса, ва предлогли келса, гапда ҳол вазифасини бажаради.

Тўлдирувчи кимни, нимани? сўроғига жавоб бўлмай, балки ж.к., ўр.п.к. ва ч.келишикларининг кимга, нимага, кимда, нимада, кимдан, нимадан? каби сўроқларига жавоб бўлса ва предлогли келса, гапда воситали тўлдирувчи вазифасини бажаради. Ҳол ва воситали тўлдирувчини фарқлашда уларнинг сўроқларига алоҳида эътибор бериш керак.

* * *

Савол: Исмий жумла таркибида воситасиз тўлдирувчи бўлиши мумкинми?

Жавоб: Маълумки, ўтимли феъл билан боғланган исм (от) тушум келишигида туради ва у жумлада воситасиз тўлдирувчи бўлиб келади. Бу ҳолат феълий жумлада кузатилади. Лекин исмий жумланинг кесими ўтимли феълдан ясалган сифатдош (аниқ даражаси) орқали ифодаланган бўлса, у ҳам ўзи ясалган ўтимли феъл каби ўзи билан боғланган исмни тушум келишигида туришини талаб этиши мумкин. Масалан:

محمّد داخل الغرفة. – Муҳаммад хонага кираяпти,

رشيد أكل الطعام واقفاً. – Рашид овқатни тик туриб еяпти,

سليمان قارئ الكتاب جالساً. – Сулаймон китобни ўтирганча ўқияпти,

المعلمة داخلة حاملة أوراق العلامات. – Ўқитувчи баҳолар табелини кўтарганча кираяпти.

Мисоллардан кўринаяптики, исмий жумланинг кесими ўрнида **فاعل** қолипидан ясалган сифатдошнинг аниқ даражаси келса, биринчидан, у ўзи билан боғланган сўзни тушум келишигида туришини талаб қилса, иккинчидан, мазкур кесим ўзбек тилига ҳозирги замон маъносида таржима қилинади.

Шунингдек, исмий жумла кесими ўрнида сифатдош ва масдар ҳам келиши мумкин.

1. Агар сифатдош ўтимсиз феълдан ясалган бўлса, предлог билан келади, ўтимли феълдан ясалган бўлса, предлогсиз (баъзан предлогли) келади ва ўзи

билан боғланган (иш-ҳаракат йўналтирилган сўз)ни тушум келишигида туришини талаб этади ва шу сўз гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради. Масалан:

أحمدُ حاملٌ الطفلَ - Аҳмад болани кўтараяпти

يحملُ أحمدُ الطفلَ - Қиёсланг, Аҳмад болани кўтараяпти

فاطمةُ ناظرةٌ إلى المنظرَةِ الجميلةِ - Фотима чиройли манзарага қараяпти

أنا ذاهبٌ إلى المعهد - Мен институтга кетаяпман

2. Гапда масдар асосан “бошламоқ” феълидан кейин келадиган асосий феъл ўрнида ишлатилади ва бу масдар **فى** предлогидан кейин келади.

منعُتُ في الكتابة - Мен ёзишни бошладим

أخذنا في مشاهدة الفلم (أخذنا نشاهد الفلم) - Биз фильмни томоша қила бошладик

3. Шунингдек, масдар أحسن (бирор ишни яхши, зўр бажармоқ, қилмоқ) феълидан кейин ҳам ишлатилади. Бунда предлог ишлатилмайди.

أحسن القراءة - У яхши ўқиди

يُحسن السباحة في الماء - У сувда яхши сузади

مريم تحسن القراءة العربية - Марям арабча яхши ўқийди

أحسنَت نقل النص - Сен текстни жуда яхши гапириб (кўчириб олдинг) бердинг

4. Масдар أراد модал феълидан кейин ҳам келади ва у доим тушум келишигида туради. Масдар истак майлидаги феълнинг ўрнига ёзилади.

أريد النظرة - Мен сайр қилмоқчиман

أريد الكتابة إلى أبي - Мен отамга хат ёзишни хоҳлайман

نريد تدريس اللغة العربية - Биз араб тилини ўрганишни хоҳлаймиз

هو لا يريد (أن يشرب الماء البارد) شرب الماء - У совуқ сувни ичишни хоҳламайди

البارد

“кирмоқ” феъли ҳаракат йўналтирилган объектнинг қандайлигига қараб предлогсиз ёки предлогли ишлатилади. Агар ҳаракат объекти сифатида шахсни англатмайдиган жой (хона, ташкилот ва бошқ.) ишлатилса, бу феъл предлогсиз ўзи қўлланилади ва тушум келишигини талаб этади. Лекин баъзан у **إلى** ёки **إلى** ёрдамида ҳам келиши мумкин. **دخل الغرفة، دخل إلى الغرفة**

Агар ҳаракат объекти сифатида шахс келса, унда феъл **على** предлоги ёрдамида ишлатилади. **دخل على المدير** – у директор ҳузурига (олдига) кирди.

Баъзан **دخل على** шаклида турса, “бостириб кирмоқ, устига кириб қолмоқ” маъносида ҳам келади.

Талаба-ўқувчиларга араб тилини ўрганиш жараёнида бирикувчи олмошларнинг исмга қўшиш осон туюлади. Исмга ва феълга бирикувчи олмошлар қўшиш ўртасида катта фарқ бор. **ون، تان، ان** қўшимчалари билан тугаган иккиликдаги ва кўпликдаги исмларга бирикувчи олмошлар қўшилганда **ن** нинг тушиб қолишини баъзи талаблар **يدخلون** ҳозирги келаси замон феълнинг охиридаги **ون** қўшимчаси билан ўхшаш деб ўйлайдилар. Ҳозирги-келаси замоннинг бирлик 2-ш м.с. ва иккилик (2-3-ш) **تدخلان، تدخلين، تدخلن** феълларига бирикувчи олмош қўшилганда **ن** тушиб қолмайди. Шундай англашмовчилик бўлмаслиги учун қуйидаги машқни бажаришни тавсия этамиз:

Ўтган замон феъли أ-Сиз бизни тушундингизми? Ҳа, биз сизни тушундик.	Иккилик ва кўплик أ تفهمونه؟ لا، لا نفهمك Сизлар уни тушунаяпсизларми? Йўқ, биз уни тушунмаяпмиз.	Бирликдаги феъллар أ-Сен уни тушунаяпсанми? Ҳа, мен уни тушунаяпман.
أ-Улар уни тушундиларми? Йўқ, улар уни тушунмадилар.	أ-Сиз бизни тушунаяпсизми? Йўқ, биз сизни тушунмаяпмиз.	أ تفهمينهما؟ لا، لا أفهمهما Сен (м.с.) у иккаласини тушунаяпсанми? Йўқ, мен у иккаласини тушунмаяпман.
أ-Улар мени тушундиларми? Ҳа, улар сени тушундилар.	أ-Сиз мени тушунаяпсизми? Ҳа, биз сени тушунаяпмиз.	أ-Сен уларни тушунаяпсанми? Йўқ, мен уларни тушунмаяпман.
أ-فهمتموهما؟ نعم، فهمناهما Сиз у иккаласини тушундингизми? Ҳа, биз у иккаласини тушундик	أ-Улар уни тушунаяптиларми? Ҳа, улар уни тушунаяптилар.	أ-У мени тушунаяптими? Ҳа, у сени тушунаяпти.
أ-Биз уларни тушундикми? Ҳа, биз уларни тушундик.	أ-أيفهمائِه؟ نعم، يفهمائِه иккаласи уни тушунаяптими? Ҳа, у иккаласи уни тушунаяпти.	أ-Сен уларни тушунаяпсанми? Ҳа, мен уларни тушунаяпман.

* * *

Араб тили дарсликларида охири ة та марбута билан тугамаган аёлларнинг исмларининг кўплиги ҳақида маълумот берилмаган. Биз ана шу кемтикликни тўлдириш мақсадида қуйида уларнинг кўпликларини бераяпмиз.

مريم + ات = مريمات	هند + ات = هندات
سعاد + ات = سعادات	زينب + ات = زينبات
فاطمة + ات = فاطمات	سريّا + ات = سريّات
عائشة + ات = عائشات	خديجة + ات = خديجات
هذه مريم جميلة.	هؤلاء مريمات جميلات.
هذه زينب مجتهدة.	أولئك زينبات مجتهدات.
هذه هند مترجمة.	هؤلاء هندات مترجمات.

Шунингдек, музаккар жинсдаги اکرم، رشيد، محمد каби исмларга وَن кўшиш билан уларнинг кўплиги ҳосил бўлади. Бунда исмлар ى، ت، ي билан бошланган бўлса, улар феъл шаклидаги исмлар ҳисобланади. Масалан:

يزيد + وَن = يزيدون	تغلب + وَن = تغلبون	Язидлар	Тағлиблар
أحمد + وَن = أحمدون	يحيي + وَن = يحييون	Аҳмадлар	Яҳёлар

Лекин иккита сўздан тузилган Абдуллох, Хайруллох, Шамсуддин каби исмларнинг кўплиги (улар изофа бўлганлиги учун) биринчи сўз **مضاف** ни кўпликка айлантириш билан ҳосил қилинади. Масалан:

Хайруллохлар	خير الله – أخيار الله -	Абдуллохлар	عبد الله – عبيد الله-
Шамсиддинлар	شمس الدين – شمس الدين	Хайриддинлар	خير الدين- اخيار الدين -

Бундай мураккаб исмларнинг иккилик сони изофа **مضاف** га **ان** қўшимчаси қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан:

Иккита Хайруллох	خير الله-	Иккита Абдуллох	عبد الله-
-------------------------	------------------	------------------------	------------------


* * *

II ва V боб феълларини амалда ишлатишда баъзи қийинчиликлар пайдо бўлади. Бу қийинчиликлар асосан ушбу бобларнинг асл маъноларини билмасликдан келиб чиқади. Ёзувда ва нутқда иккала бобларни тўғри қўллаш учун қуйидаги машқларни бажаришни тавсия этамиз

V бобда иш-ҳаракатни эганинг ўзи бажаради. (ўзлик мажҳуллик маъноси).	II боб феъли ўтимли феъл бўлганлиги учун иш-ҳаракатни бирор объектга қаратилганлигини англатади.
تَغَيَّرَ-ўзгармоқ	غَيَّرَ-ўзгартирмоқ
تَغَيَّرْتُ-Мен ўзгардим	غَيَّرْتُ-Мен ўзгартирдим
أَتَغَيَّرُ-Мен ўзгараман	أَغَيَّرُ-Мен ўзгантираман
تَغَيَّرْتُ مِنْذَ سَنَتَيْنِ-Мен икки йил аввал ўзгардим.	غَيَّرْتُهُ-Мен уни ўзгартирдим
تَغَيَّرْتُ مَعَهُ-Мен у билан бирга ўзгардим.	غَيَّرَ الجدول-Жадвал ўзгантирилди
تَغَيَّرَ الجدول-Жадвал ўзгарди	متى تَغَيَّرَهُ-Сен уни қачон ўзгантирасан?
متى تتَغَيَّرُ-Сен қачон ўзгарасан	مَنْ تَغَيَّرَ-Биз кимни ўзгантирамыз
تَغَيَّرُوا-Ўзгаринглар	غَيَّرُوا-Ўзгартиринглар
هل تَتَغَيَّرُ بَعْدَ الشَّهْرِ-Сен бир ойдан кейин ўзгарасанми?	غَيَّرَ الهواءَ فِي الغُرْفَةِ كُلِّ يَوْمٍ-Ҳар куни хонадаги ҳавони ўзгартир.
تَمَيَّزَ-фарқланмоқ	مَيَّزَ-фарқламоқ
يَتَمَيَّزُ الْإِنْسَانُ مِنَ الْإِنْسَانِ-Киши кишидан фарқланади.	مَيَّزَ الْحَقُّ مِنَ الْبَاطِلِ-У ҳақиқатни ёлғондан фарқлади.
تَعَلَّمُوا الْعَرَبِيَّةَ وَعَلَّمُواهَا النَّاسَ-Араб тилини ўрганинглар ва уни бошқаларга ҳам ўргатинглар!	أَقْدِرْ أَنْ أَمَيَّزَ الْإِنْسَانُ مِنَ الْإِنْسَانِ-Мен кишиларни кишилардан фарқлай оламан.

22 та араб давлатлари раҳбарларининг суратлари остига ўзига мос келадиган мамлакат рақамини қўйинг:

1. БАА
2. Иордания
3. Бахрайн
4. Тунис
5. Жазоир
6. Жибути
7. Саудия Арабистони
8. Сурия
9. Судан
10. Сомали
11. Ироқ
12. Уммон
13. Фаластин
14. Қамар
15. Қатар
16. Кувайт
17. Ливан
18. Ливия
19. Миср
20. Мавритания
21. Марокаш
22. Яман

Бошқотирмалар




كلمات متقاطعة

(لعب العقل)

Ребус ва сканвордлар

Одатда дарс жараёнида ребус ва сканвордлардан кам фойдаланилади. Лекин бундай бошқотирмалардан фойдаланиш талабалар учун фойдадан холи эмас, чунки улар ўқувчи-талабаларни ўз номи билан бош қотиришга – муаммоли масалаларни ҳал этишга ўргатади. Шунингдек, бошқотирмалар уларнинг мушоҳада қилиш, фикрлаш ҳамда заҳира имкониятларини ишга солишга ундайди. Бу ўйин ўқувчи-талабаларнинг сўз бойликларини кўпайишига ҳам ижобий таъсир қилади.

1. Қуйидаги йўл белгиларига мос бўлган сўзларни аниқланг:








أوتوبس
تاكسي

مستشفى
مطعم

سيارة
قطار

مدرسة
دراجة

2. Қуйидаги суратларнинг арабча номини аниқланг ва унинг ёнидаги ҳарф ёрдамида калит сўзни топинг:


	كرسي	И	محفظة	Б	تلفون	Д
	ديوان	Е	باب	Ш	خزانة	Я
	تليفون	О	راديو	М	تلفزيون	Р
	طاولة	А	كرسي	Г	مقعد	У
	حائط	Е	نافذة	З	باب	Н
	باب	П	نافذة	К	خزانة	А

Калит сўз:

Д ○ ○ ○ ○ ○


Агар ўқувчи-талабалар берилган олти та вариантдаги сўзларнинг расмга мосини тўғри топсалар, калит сўз ҳосил бўлади.

3. Кийимларнинг арабча номлари ёзилган карточкаларни кимдир иккига бўлиб юборибти. Марҳамат қилиб уларни бирлаштиринг-чи:



Изоҳ. Ушбу йиртилган варақлар шундайлигича катта ҳажмда ксерокопия қилинади ва ҳар бири алоҳида-алоҳида қийиб, ўқувчиларга тарқатилади ва улар мос бўлақларни бир-бирига бирлаштирадilar.

4. Наргиза таътилга чиқиш арафасида. У чемоданига нечта ва қайси кийимларини солишини аниқланг:



شال	2	بَنْطَلُون		سیر		جَوْرَب	
بَلُورَة		تَنْوَرَة		مِعْطَف		قَبْعَة	
صَدْرِيَّة		فَسْتَان		حِذَاء		شَنْطَة	

Изоҳ: Кийимларнинг арабча номлари берилган сўзнинг ёнидаги кичик катакча ичига ва ўша кийим расми ёнига ҳам бир хил рақам ёзинг. Агар арабча сўз юқоридаги кийим орасида бўлмаса, катакча ичига минус (-) белгисини қўйинг.

Кроссвордлар

горизонтал	أَفْقِي	вертикал	رَاسِي
------------	---------	----------	--------

Вертикал

1. пўпишак
2. шубҳа

نا	ط	ر
	د	پ
	هـ	ل
ب	ا	و
ن	س	ش

Горизонтал

- 1- дарё
2-диван
3- шамол
4 - совуқ

	أ	د	ب
ر	أ	س	
	ت	ر	ب
ح	ت	ب	
	ف	ح	ي

- 1- адабиёт**
- 2 –бош**
- 3 – тарбия**
- 4 – китоб**
- 5 – зийрак**

			2					
	3		أ		1			
ة	ك	م	س	1	ز			
	ل		د	و	ر	ق	2	
	ب				ا			
			ل	ي	ف	3		
					ة			

أفريقي	
1. تعيش في الماء	
2. الحيوان يحب التقليد	
3. له خرطوم طويل	

راسي	
لها رقبة طويلة	1.
ملك الغابة	2.
حيوان أمين	3.

Сканворд

р	х	3	б	р	ғ	м	л	а	2	л	и	н	л	а	1	р	с	м
а	л	а	р	ч	б	5	р	м	қ	л	а	р	з	ж	4	м	о	т
д	8	н	и	т	с	л	ф	7	қ	а	р	е	л	а	6	р	м	ч
м	д	11	с	о	т	10	л	а	м	о	с	л	а	9	е	л	ж	с
қ	л	а	14	д	а	д	ғ	13	б	е	и	д	о	е	с	12	қ	ш
а	б	м	и	н	с	ч	16	б	р	е	л	а	р	ч	б	15	с	д
и	к	б	з	о	а	л	а	18	е	р	е	а	қ	л	а	17	к	р
и	н	о	р	о	м	20	е	м	р	к	м	л	а	е	к	м	19	е
е	м	а	н	м	л	а	22	е	ч	о	д	21	т	а	р	ф	л	а
ғ	26	т	а	ф	р	е	25	и	б	д	24	и	н	о	б	и	ж	23
и	л	30	н	и	р	ч	29	б	д	с	а	28	е	ж	27	е	з	23
и	а	з	ж	л	а	33	н	м	и	32	қ	и	с	м	31	а	и	б
36	б	р	е	л	а	и	ш	35	н	а	д	о	с	л	а	34	р	р

1. Аҳолиси энг кўп араб давлати.
2. Энг узун дарё.
3. Марокашнинг номи.
4. Суданнинг пойтахти.
5. Орол давлат.
6. Саудия билан Миср орасидаги денгиз.
7. Яқин Шарқдаги араб давлати.
8. Бир қисм ери босиб олинган араб давлати.
9. Ироқдаги дарёнинг бири.
10. Африка “шоҳи”даги араб давлати.
11. Пойтахти ҳам, давлатнинг номи ҳам бир хил.
12. Пойтахти Дамашқ.
13. Пойтахти Ар-Риёд.
14. Ироқнинг пойтахти.
15. Фаластиннинг пойтахти.
16. Денгиз сўзининг арабчаси.
17. Мисрнинг президенти.
18. Мисрнинг пойтахти.
19. Мисрдаги “ўзбекча” боғ.

20. Мусулмонларнинг муқаддас шаҳри.
21. Жузрул-Қамарнинг пойтахти.
22. Қатарнинг пойтахти.
23. Баҳрайннинг пойтахти.
24. Давлатнинг ҳам, пойтахтининг ҳам номи бир хил.
25. БАА даги шаҳар.
26. Саудиядаги тоғ.
27. Фаластиндаги секторнинг бири.
28. Ҳажга боровчилар тушадиган биринчи шаҳар.
29. Суриянинг президенти.
30. Орол давлатнинг номи.
31. Мисрнинг кўшниси (араб давлати).
32. “Бўғоз” сўзининг арабчаси.
33. Давлат номининг маъноси “ўнг”.
34. Давлат номининг таржимаси “ороллар”.
35. Давлат номининг маъноси “қора”.
36. Ироқдаги икки дарё бирлашган жойининг номи.

Арабча – ўзбекча луғат

“Ўсимлик, мева, сабзавотлар ва дон маҳсулотлари” га оид сўзлар луғати

арабча	ўзбекча
أَنَاسٌ	ананас
تَيْنٌ	анжир
رُمانٌ	анор
بُرْتُقَالٌ	апельсин
شَعِيرٌ	арпа
مَوْزٌ	банан
سَفَرْجَلٌ	беҳи
خِيَارٌ	бодринг
قَمْحٌ - حِنْطَةٌ	буғдой
بَرْفُوقٌ	гайноли, олхўри
كَرَزٌ	гилос
أَرْزٌ	гуруч
جَوْزٌ	ёнғоқ
زَيْتُونٌ	зайтун
قُلْفُلٌ	қалампир
كُرْنَبٌ	карам
بَطَاطِسُ	картошка
كَراوِيَّةٌ	кашнич
شَمَامٌ	қовун
تَوْتُ الْأَرْضِ	кулупнай
خُضْرَةٌ	кўкат
لَيْمُونٌ	лимон
دُرَّةٌ	маккажўхори
كُمَّتْرَى	нок
حِمَصٌ	нўхат
تَفَّاحٌ	олма
كَرَزٌ	олча

قَرَع	ошқовок
نَخْلَة	палма
بَصَل	пиёз
طَمَاطُم	помидор
فِجْل	редиска
ثُوم	саримсоқ
عِنَبُ النَّعَلَبِ	смородина, қорғат
بَطِيخ	тарвуз
عِنَب	узум
مِشْمِش	ўрик
فَاصُول	фасоль
رُطَب - تَمْر - بَلَح	хурмо
خَوْخ	шафтоли
كَبْش	мева

“Озиқ-овқат ва ичимлик” га оид сўзлар

арабча	ўзбекча
عَرَق	ароқ
عَسَل	асал
سَمَك	балиқ
رُقَاق	вафли
نَبِيذ	вино
مُرَبَّى	джем
أَلِيَّةُ غَنَمٍ	қўй думбаси
زُبْدَةُ طَاوَةِ	ёғ (сариёғ)
زَيْت	ёғ (ўсимлик мойи)
زُبْد	ёғ (ҳайвон жири)
طَعَامٌ أَكَلِي	емиш
كَكَأُو	какао
عَصِيْدَة	каша (бўтқа)
كُفَاس	квас

كَعَكَةٌ	кекс
سُجُوقٌ	колбаса
خُشَافٌ	компот
مُعَلَّبَاتٌ	консервалар
مُلبَّسَةٌ - حَلَاوَةٌ	конфета
قَهْوَةٌ	кофе
لَحْمٌ ضَائٍ	кўй гўшти
مَقْرُونَةٌ	макарон
لَحْمٌ بَقَرٍ	мол гўшти
بُوظَةٌ	музқаймоқ
مُرَبَّبٌ	мураббо
خُبْزٌ	нон
رَغِيفٌ	обинон
أَرُزٌ بِلَحْمٍ	ош
بِسْكَوَيْتٌ	печенье
فَطِيرَةٌ	пирог
كَعَكَةٌ	пирожный
جُبْنٌ	пишлоқ
سَلَاطَةٌ	салат
حَلِيبٌ مُكَنَّفٌ	қуюқ сут
نَقَانِقُ	сосиски
حَلِيبٌ - لَبَنٌ	сут
مِلْحٌ	туз
بَيْضٌ	тухум
بَيْضٌ مَقْلِيٌّ	тухум қуймоқ
شَايٌ	чай
سُكَّرٌ	шакар
حَلَوِيَّاتٌ	ширинликлар
شَاكُولَاتَةٌ	шоколад

“Уй жиҳозлари” га оид сўзлар

арабча	ўзбекча
سَاعَةٌ مُّبَيَّهَةٌ	будильник
مِشْجَبٌ - شَمَاعَةٌ	вешалка, илгич
سَجَادَةٌ - بِسَاطٌ	гилам
أَرِيكَةٌ - دِيوَانٌ	диван
وِسَادَةٌ	ёстик
قَدَحٌ	кадах
ثُرَيَّا	кандил
لَحَاقٌ - قِدْرٌ	қозон
طَنْجَرَةٌ	кострюлка
مِلْعَقَةٌ	қошиқ
حَنْفِيَّةٌ	кран (сув), мурват
مَقْعَدٌ	кресло
مِرْآةٌ	кўзгу
لِحَافٌ	одеяло
سِتَارَةٌ	парда
فُورُنٌ	печка
سِكِّينٌ	пичоқ
كَأْسٌ	рюмка
مِنْشَقَةٌ	сочик
كُوبٌ، فَجْجَانٌ	стакан, бокал
مِكنَسَةٌ	супурги
طَاسٌ	таз, тос (тоғора)
صَحْنٌ	тарелка, ликопча
مُشْطٌ	тароқ
مَعْجُونُ الْأَسْتَنَانِ	тиш пастаси
مِمْلَحَةٌ	туздон
سَطْلٌ - دَلْوٌ	челак
إِبْرِيْقٌ	чайнак
سُكَّرِيَّةٌ	шакардон

شَامْبُو	шампунь
----------	---------

«Мутахассислик» ка оид сўзлар

арабча	ўзбекча
مُمَثِّلٌ	актёр
فَنَّانٌ	артист
عَطَّارٌ	атир-упа сотувчи
صَبْرَفِيٌّ	банк ходими
نَجَّارٌ	дурадгор
اِقْتِصَادِيٌّ	иқтисодчи
لَحَّامٌ - جَزَّارٌ - قَصَّابٌ	кассоб
مُصَمِّمٌ	конструктор, лойиҳачи
قُنْصُلٌ	консул
حَارِيسٌ	қоровул
بَقَّالٌ	кўкат-сабзавот сотувчи
مُمَسِّدٌ	массажист, укаловчи
مِعْمَارِيٌّ	меъмор
مُقَنْنٌ	назоратчи, контроллёр
نَقَّاشٌ	наққош
دَهَّانٌ	оқловчи (деворни)
شُرْطِيٌّ	полициячи
رَسَّامٌ - مُصَوِّرٌ	рассом
مُخْرِجٌ	режиссёр
لَحَّامٌ	чилангар
مُرَبِّ	тарбиячи
إِطْفَائِيٌّ	ўт ўчирувчи
حَدَّادٌ	темирчи
حَجَّارٌ	тош ўювчи, ғишт терувчи
عَمِيدُ الْكَلِيَّةِ	факультет декани
سَائِقٌ	ҳайдовчи
جَرَّاحٌ	хирург, жарроҳ

كَهْرَبَائِي	электрик
حَمَال	юк ташувчи
حُقُوقِي	юрист

“Ёввойи ва уй хайвонлари” га оид сўзлар

نَحْلَة	ари
ضَفَدَع	бақа
سَمَك	балиқ
حُوت	кит
بَرْغُوْتُ	бит
عَنْدَلِيْب	булбул
نَسْر	бургут
ذِيْب	бўри
بَطَّة	ғоз
دِلْفِيْن	дельфин
نَمْر	йўлбарс
حَمَامَة	кабутар
فِرَاشَة	капалак
غُرَاب	қарға
كَرْكِيْدَان	каркидон
سَرَطَان	краб, қисқичбақа
عَنْم	қўй
شَاة	қўй; эчки
جُعْل	қўнғиз
خُفَّاش	кўршапалак
قِرْد	маймун
فَرَس	от
ذُبَاب	пашша
جَرَادَة	чигиртка
بَقَر	сигир

صُرْصُورٌ	суварак
قُنْعُدٌ	типратикон
طَاوُسٌ	товус
تُلْحَفَاةٌ	тошбақа
تَغَلَبٌ	тулки
لَقْلَقٌ	турна
سَبْعٌ - إِيْلٌ	туя
طُوطُو، بَبْعَاءُ	тўти
عَنْكَبُوتٌ	ўргимчак
تَوْرٌ	хўкиз
عَقْرَبٌ	чаён
دُودَةٌ	чувалчанг
بَعُوضَةٌ	чивин
نَمْلَةٌ	чумоли
أَسَدٌ	шер
كَزْكَرِيٌّ	чўртан балиқ
مَعَزٌ	эчки
حِمَارٌ	эшак

Хотима

Азиз ҳамкасб! Бизнинг узоқ изланишимиз натижаси бўлмиш мазкур мўъжаз китобча билан танишдингиз. Маълумки, ҳар қандай янгилик ҳам ўзига осонликча йўл оча олмайди. Биз бу янгиликка кўникишимиз, уни қабул қила олишимиз ва ниҳоят бу янгиликни дарсга тадбиқ қилишимизгача анча вақт ўтади. Чунки биз бу вақт ичида мазкур янгиликларнинг моҳияти, аҳамияти ва долзарблигини тушуниб етишимиз, ўрганиб, ўқиб, унга ижодий ёндошиб, ундан ҳар биримиз шахсий хулосалар чиқариб олишга улгуришимиз лозим бўлади. Гап ўқитишнинг янги технологик усуллари ҳақида кетаётганини тушундингиз. Инсон бирон нарсани аввал кўради, кейин эса у ҳақида мулоҳаза юритади. Бизнинг мазкур масаламиз ҳам худди шунга ўхшайди. Бу китоб ўқитувчига аввал янги технология мазмуни, мақсадини, унинг дарс жараёнидаги ўрнини баён этишга ҳаракат қилади. Мазкур китоб муаллифлари ўз олдиларига асосан ўқув ўйинларини дарсга татбиқ этиш усуллари амалда қўллашни асосий мақсад қилиб қўйганлар. Шунинг учун китобда араб тили дарсларида қўллашга мўлжалланган жами 80 га яқин янги технологик ўйинлар, дидактик тарқатма материаллар, жадваллар, чизмалар шунингдек, тили ўрганилаётган мамлакатлар географиясига доир бой материаллар берилган. Жумладан, янги технологик усулларга доир 19 чизма, 18 та ўқув ўйинлари, араб тили грамматикаига оид 11 та тарқатма жадваллар, талабаларни мушоҳада қилишга, фикрлашга чорловчи “Танлов” усули (10 та), “Давом этинг”, “Фикрни давом эт” , “Чархпалак” каби усулларга мос машқлар Сизнинг эътиборингизга хавола этилган. Китобнинг охирига эса 200 дан ортиқ янги сўзлар луғати илова қилинган. Берилаётган усуллар бизнинг дарс ўтишдаги тавсияларимиз холос. Унга ижодий ёндошиб, уни бойитиб, янада мукамал даражага етказиш Сизнинг маҳоратингизга боғлиқ.

Бу қўлланма таълим жараёнига, жумладан, араб тили дарсларига янги технология услубларини тадбиқ этиш соҳасидаги илк тажриба бўлганлиги боис унда баъзи камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Шунинг учун муаллифлар китобнинг кейинги нашрида эътиборга олиш мақсадида билдириладиган танқидий фикрларни қабул қиладилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Хушёрликка даъват. Т, Ўзбекистон, 1999.
2. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Т.1996.
3. Китайгородская Г.А. Методика интенсивного обучения иностранным языкам. М.1986.
4. Ляховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков. М.1981.
5. Шерба Л.В. Преподавание иностранных языков в ср. школе М. 1974.
6. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения. Школьные технологии. №4 М-2004.
7. Хуторский А.В. Современная дидактика. Учебник для вузов. СПб «Гектор» 2001.
8. Максаков А.И. Туманова Г.А. Учителе играя. М-1983г.
9. Наумов Л.Б. Учебные игры в медицине. Т. 1986.
10. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь – М. 1989г.
11. Ковалёв А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка М.1960.
12. Ибрагимов И.Д. Интенсивный курс арабского языка. М. «Восток-Запад» 2006.
13. Субботский Е.В. Ребенок открывает мир М-1991 г.
14. Лебедев В.Г., Тюрева Л.С. Практический курс литературного арабского языка. М. «Восток-Запад» 2005.
15. Дубинина Н.В., Кавиршина Н.Б. Уроки арабского языка (письмо, чтение, основы грамматики) М. «Восток-Запад» 2004.
16. Лебедев В.В. Читаем Хадисы по арабски, учебное пособие, М.«Восток-Запад» 2005.
17. Лебедев В.В. Арабская грамматика. М. «Восток-Запад» 2007.
18. Дубинина Н.В. Глаголы арабского языка. Правильные и неправильные корни М. «Восток-Запад» 2005.
19. قاموس المعتمد المدرسي "عربي-عربي" دار صدر. بيروت 2005م.
20. المعجم الوجيز مجمع اللغة العربية بالقاهرة 2003م.

Интернет сайтлари:

- <http://www.ioso.ru/distant/do/course> –курс дистанционного обучения по новым педтехнологиям
- <http://www.istedod.uz> – сайт фонда «Истеъдод»
- <http://www.edu.uz/> - образования Республики Узбекистан (портал Министерства высшего и среднего специального образования)
- <http://www.ziynet.uz/> - информационный образовательный портал.

Араб сайтлари:

- <http://www.resalah.com/> - مركز الاعلام العربى

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Янги технологик усулларни қўллаш бўйича тавсиялар	6
Ўқув ўйинлари - таълимнинг янги методи	10
“Ҳарфлар олами” ўйини	14
“Тўпни олинг, сўзни айтинг” ўйини	14
“Ким тез сўз туза олади?” ўйини	15
“Тез сўз айтиш” ўқув ўйини	15
“Сирли ришта” ўйини	17
“Б билан бошланувчи сўзларни ким кўп ёза олади?” ўйин дарси	17
Антоним сўзлар ўйини	18
“Рақамни тез топинг” ўйини	19
“Мезон” ўйини	20
“Ранглар ўйини”	20
“Сирли варақ” ўйини	20
Ўйла? Изла? Топ? Ўйини	21
“Қуённи қутқаринг” ўйини	23
“Меҳмон қайси эшикдан келади” ўйини	23
“Мўъжиза майдони” ўйин дарси	26
“Бу киши қайси миллат вакили?” ўйини	26
Янги технологик усуллар	26
“Гап тузиш” усули	26
“Араб тилида келишиклар” мавзусини ўтишда қўлланиладиган жадвал	27
Бирликдаги сўзларни тўғри (тўлиқ) ва нотўғри (синик) кўпликларга айлантириш мавзусини ўтишда қўллаш учун зарур чизма	28
“Ярим, ўрта, меъёр, марказ, ўхшаш маъноларини англатувчи сўзлар” мавзусини баён этиш усули	29
“Бу қайси фасл?” усули	31
“Йил фасллари” мавзусини ўтиш усули	32
“Изофа бирикмаси” мавзусини ўтишда фойдаланиладиган тарқатма материаллар	33
“Сифатларнинг орттирма ва қиёсий даражалари” мавзуси учун кўргазмали восита.....	37
“Давом этинг” усули	40
“Араб тилида ёш муносабатини англатувчи атамалар” мавзусини ўтиш усули	42
“Танлов” усули	44
“Иш-ҳаракат”, “вақтинчалик ҳолат” ва “доимий сифати”ни (хусусиятини) англатадиган феълларни маънолари бўйича топиб ёзинг	44
“Уй, ёввойи, сув ҳайвонлари, қушлар ва	45

хашаротларнинг”турлари бўйича номларини ёзинг	
“Мутахассислик”лар йўналишлари бўйича қуйидаги сўзларни ажратиб ёзинг	45
“Уй жихозлари”га доир сўзларни хоналар бўйича бўлиб ёзинг.	45
“Машина, асбоб, техника, электр ускуналари”ни англатувчи сўзларни маънолари бўйича ажратиб ёзинг	46
“Озиқ-овқат, гўшт, сут, ун махсулотлари, ичимликлар ҳамда ширинликлар”га доир сўзларни ажратиб ёзинг.....	46
“Ўсимлик, мева, сабзавотлар ва дон махсулотлари”га оид сўзларни йўналишлар бўйича ажратиб ёзинг	47
“Чархпалак” усули	47
Қуйидаги арабча сўзларга чап томондан мос сўзларни топниг сўнгра рўпарасига плюс (+) белгисини қўйинг	47
Берилган феъл бобларининг маъноларига мос бобларини топинг	48
Чизмадаги хоналарнинг арабча номларини тўғри жойлаштиринг	49
Янги мавзуни ўтиш ва мустаҳкамлашда қўллаш учун машқлар	49
Қуйидаги сўзлар қайси жинс категориясига тааллуқли?	49
فرق أسماء المذكر والمؤنث	50
Қуйидаги сўзларнинг қайси сўз туркумига мослигини топинг	50
Синоним сўзларни топинг	51
Антоним сўзларни топинг	51
الأسماء الستة	51
Мос сўзларни белгиланг	52
Бирликдаги сўзларга мос синиқ кўплигини топинг	52
Намунага қараб феълларнинг тусланиш занжирини ёзинг	52
Феъл бобларининг “тўғри” ва “мажҳул” (ўзлик) маъноларини англатувчи қолиплари ўртасига чизиклар тортинг.....	53
Феълларнинг қайси бобга тегишлилигини аниқланг	53
Қуйидаги _____ феълни бобларга қўйиб чиқинг	54
الجملة الفعلية	54
Қуйидаги жадвални х.к.з. феъли билан тўлдиринг	54
Феъл майлларини аниқланг	54
Қуйидаги жадвални тўлдиринг (буйруқ майли)	55
Ўқувчи-талабаларни ўйлашга-мулоҳаза қилишга чорловчи машқлар	55
Қуйидаги намуналарга қараб сўз бирикмаларини давом эттириб ёзинг	55
Қуйидаги ...”лардан бири” маъносини англатувчи ибораларга мос келадиган таржимасини чизиклар билан бирлаштиринг ..	56
Қуйидаги ...”лардан бири” маъносига тўғри келадиган ...“улардан бири” иборасини чизиклар билан бирлаштиринг ...	56
Қуйидаги изофа шаклидаги ибораларнинг тўғри	57

таржимасини чизиклар билан бирлаштиринг	
Қуйидаги иборалар ўртасида фарқ борми	58
Қуйидаги берилган сўз бирикмаларини унга мос келишиклар билан чизиклар орқали бирлаштиринг	58
Араб тилида жумлаларни таҳлил қилиш	58
Қуйидаги ҳарфлардан сўзлар ясанг, сўнгра шу сўзлардан арабча мақоллар тузинг	74
Ноанъанавий дарслар	77
“Пресс – конференция” дарси	77
“Саломнинг файзи” дарси.....	78
“Аввал ўйла, кейин сўйла” ўйин дарси (мушоҳада қилиш учун топишмоқлар)	79
Талабаларнинг араб мамлакатлари тўғрисидаги билимларини синаш усуллари	80
Араб давлатларининг ўзига мос пойтахти ва пул бирликларини аниқланг.....	80
.....من المعلوم أن الإمارات العربية المتحدة تتكون من سبع إمارات، وماذا تعني بالأوزبكية	81
Араб мамлакатларига мос пойтахтларни топинг	81
Буни билиб қўйган яхши	82
22та араб давлатларининг раҳбарлари суратлари остига мос давлат рақамини қўйинг	88
Бошқотирмалар (ребус ва сканвордлар)	89
Қуйидаги сўзларнинг арабча номини аниқланг ва унинг ёнидаги ҳарф ёрдамида калит сўз топинг	90
Кийимларнинг арабча номлари ёзилган карточкаларни кимдир иккига бўлиб юборибди	91
Наргиза таътилга чиқиш арафасида	92
Кроссвордлар	93
Сканворд	94
Арабча-ўзбекча луғат	95
Хотима	102
Фойдаланилган адабиётлар	103